БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши
№ 220 (11.969)

Сешанба, 19 сентябрь 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

ВАТАНИМИЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК ҚАРДОШЛИГИ

Ҳозирги замоннинг энг буюк ҳужжати бўлган КПСС Программаси проектининг идеялари бамисоли ёғду нурлари каби мамлакатнинг ҳамма томонларига, унинг энг узоқ бурчакларига бориб етди. Совет Иттифоқининг ҳамма халқлари КПСС Программасининг проектини ўзларининг ҳаётий манфаатлари, истак-орзулари ва умидларини ифодаловчи ҳужжат деб билмоқдалар.

Кўп миллатли социалистик Ватанимизнинг халқлари КПСС Программасининг проектини қизғин маъқуллаб, партия планларини амалга оширишга ўзларининг каттиқ бел боғлаганликларини айтмоқдалар. Улардаги бу қатъият мустаҳкам негизга — эркин ва тенг ҳуқуқли миллатларнинг қудратли социалистик давлатдаги қардошларча ҳамкорлигига асосланган.

Капитализм миллий масалани ҳал қилишга қодир эмаслигини, у, мазлум миллатларнинг бошига кулфатлар, азоблар солиб, уларни қирилишга маҳкум этаётганлигини тарих кўрсатди. Ҳозирги замоннинг воқелиги эса буни янги куч билан исботламоқда. АҚШда негрлар камситилмоқда, элементар ҳуқуқлардан маҳрум қилиб қўйилган, Жанубий Африка Республикасида ирқчиларнинг ваҳшийлиги авж олиб кетди, мустамлака мамлакатларда ва мустамлакачилик бўйинтуруғини улоқтириб ташлаган мамлакатларда империалистлар миллий ва қабилавий душманликни авж олдирмоқдалар — мана булар капитализм қилаётган сон-саноқсиз ваҳшийлик ва йиртқичликнинг бир қисмидир, холос.

Социалистик революциянинг ғалабасигина ҳар қандай миллий зулмни йўқотиш, эркин ва тенг ҳуқуқли миллатлар ва элатларни ихтиёрий равишда ягона давлатда бирлаштириш имкониятларини ва шарт-шароитларини вужудга келтиради, буни СССРнинг тажрибаси яққол исботлаб берди. Юздан ортиқ миллат ва элат яшаб турган Россия сингари мамлакатда социализм миллий масаланы порлоқ ҳал қилиб берганлигини бутун инсоният очиқ ва ойдин кўрди.

«Биз, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — миллатларнинг ИХТИЁРИЙ иттифоқини,—бир миллатнинг иккинчи миллат устидан ҳеч қандай зўрлигига йўл қўймайдиган иттифоқини истаймиз, — мутлақо тўла ишончга, қардошларча бирликни очиқ ва равшан тушунтиришга, тўла ихтиёрийлик асосидаги келишувга асосланадиган иттифоқни истаймиз».

Ленин партиясининг донишмандлиги ва халқларнинг иродаси мана шундай иттифоқни — Совет Социалистик Республикаларининг буюк ва бузилмас Иттифоқини вужудга келтирди. Социализм миллатларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлигини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга у миллатларнинг эски тузумдан мерос бўлиб қолган иқтисодий ва маданий тенгсизлигини ҳам йўқ қилиб ташлади. Барча совет республикалари ўзаро қардошларча ёрдамга, биринчи навбатда, улуғ рус халқининг ёрдамига тайниб замонавий саноатни вужудга келтирдилар, ишчилар синфи ва зиёлиларнинг миллий кадрларини тарбиялаб етиштирдилар, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни ривожлантирдилар. Революцияга қадар «оқ» доғлар мавжуд бўлган жойларда — Сибирнинг қалин тайга ўрмонларида ва Ўрта Осиёнинг жазирама қум саҳроларида, қутб нариёғидаги одамсиз Тундрада ва Қозоғистоннинг тиканзор даштларида, музлек шимол дарёларининг соҳилларида ва Кавказнинг қўйи қовжираган тоғлик водийларида, —ҳамма жойда Совет ҳокимияти йиллари мобайнида йирик саноат марказлари ва шаҳарлар пайдо бўлди, ижодкорлик ва яратувчилик билан тўлиб-тошган ҳаёт булоқ каби қайнамоқда.

Тенг ҳуқуқли халқларнинг кўп миллатли ягона давлатда ихтиёрийлик негизида бирлашганлиги ва жипслашганлиги, улар даврат, хўжалик ва маданий қурилишда бир-бирлари билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганлиги, уларнинг қардошларча дўстлиги, экономикаси ва маданиятининг равнақ топганлиги — мана булар Ленин миллий масаласининг ажойиб мевалари дир. Социализм шароитида, деб таъкидланади КПСС Программасининг проектида, — миллатлар равнақ топади, уларнинг суверенитети мустаҳкамланади. Миллатларнинг ўсиши, капитализм шароитида бўлгани каби, миллий айирмаларни, миллий чекланганлик ва ҳудбинликни кучайтириш йўлидан эмас, балки миллатларнинг бир-бирларига яқинлашуви, қардошларча ўзаро ёрдами ва дўстлиги йўлидан боради.

Бизнинг мамлакатимизда ҳамма миллатларнинг турмуши ягона социалистик негизга қурилмоқда, уларнинг ҳаммаси умумий ҳаётий манфаатлар билан битта оила бўлиб бирлашганлар ва биргаликда ягона мақсад — коммунизм сари бормоқдалар. Янги саноат марказлари барпо қилиш, табиий бойликларни казиб олиш, қўриқ ерларни ўзлаштириш, — хуллас мамлакатимиз халқлари олдида қандай вазифа туғилмасин, улар бу вазифани ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштириб, ўзларининг меҳнатларини бирлаштириб ҳал қиладилар. Турли миллатлардаги совет кишиларида ижтимоий муносабатларнинг янги типи туғдирган ва шу билан бирга СССР халқларининг энг яхши традицияларини ўзида гавдалантирган маънавий қиёфанинг умумий белгилари вужудга келди.

«Кенг авж олдирилган коммунистик қурилиш, — дейилади КПСС Программасининг проектида. — **СССР даги миллий муносабатларнинг ривожланишида янги босқич бўлади, бу босқичда миллатлар янада яқинлашади ва уларнинг тўла бирлигига эришилади. Коммунизмнинг моддий-техника базасининг қурилиши совет халқларининг янада мустаҳкамроқ бирлашувига олиб боради. Миллатлар ўртасида моддий ва маънавий бойликларни айирбош қилиш тобора жадалроқ боради, ҳар бир республиканинг коммунистик қурилишнинг умумий ишига қўшадиган хиссаси кўпайиб боради. Синфлар ўртасидаги чегараларнинг йўқолиши ва коммунистик ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши миллатларнинг социал жиҳатдан бир хиллигини кучайтиради, маданият, ахлоқ ва турмушнинг умумий коммунистик фазилатларининг ривожланишига, миллатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстликнинг янада мустаҳкамланишига ёрдам беради».**

Пролетар интернационализми руҳи билан суғорилган КПСС Программасининг проекти партиянинг миллий муносабатлар соҳасидаги вазифаларини гоят тўлиқ ва равшанлик билан белгилаб беради. Ҳамма миллатлардан бўлган миллион-миллион совет кишилари бу вазифаларни ўзлари учун энг жонажон, ҳаётий иш деб билмоқдалар. Улар: **барча совет миллатларининг** қардошларча ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамининг тобора кўпроқ мустаҳкамланиб боришини, уларнинг ҳаётнинг барча соҳаларида жипслашиб ва яқинлашиб боришини таъминлаб ва ССР Иттифоқини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга эришиб, уларнинг экономика ва маданиятини бундан буён ҳам ҳартомонлама ривожлантириб бориш СССР халқларининг миллий давлат формаларидан охиригача фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш кераклиги ҳақида проектда қўйилган вазифаларни бутун қалблари билан қабул қилмоқдалар.

Партия бундан буён ҳам совет республикаларининг хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш йўлини давом эттириб, ишлаб чиқаришни рационал жойлаштиришни ва табиий бойликларни планли равишда ишга солишни таъминлай беради. Шуни айтиб ўтиш кифоя қиладики, келгуси йигирма йил мобайнида Сибирда, Қозоғистонда, Волга бўйида, Уралда, Шимолий Кавказда, Ўрта Осиёда ва мамлакатнинг бошқа районларида саноатни жуда катта ривожлантириш кўзда тутилади. Шу билан бирга партия социалистик республикаларнинг меҳнатдаги куч ва ғайратини бирлаштириб ва уйғунлаштириб, бутун давлатнинг манфаатларини ҳар бир совет республикасининг манфаатлари билан тўғри қўшиб олиб бориб, шу республикалар ўртасида социалистик меҳнат таксимотини такомиллаштириш зарурлигини таъкидламоқда.

СССР халқларининг социалистик маданиятини янада ҳар томонлама равнақ топтиришни таъминлаш соҳасида партия қўйган вазифаларни мамлакатимизнинг ҳамма халқлари қизғин маъқуллади. Партия совет халқлари маданиятининг социалистик мазмунини ривожлантиришга ҳал қилувчи аҳамият бериб, бу маданиятларнинг янада бир-бирини бойитишига ва бир-бири билан яқинлашувига, уларнинг интернационал негизини мустаҳкамлашга ва шу тариқа бўлажак коммунистик жамиятнинг ягона умуминсоний маданиятини вужудга келтиришга ёрдамлаша беради.

Бундан буён ҳам миллий муносабатлар соҳасида интернационализм принципларини изчиллик билан ўтказа беришни, халқларнинг дўстлигини социализмнинг муҳим ғалабаларидан бири деб билиб, бу дўстликни мустаҳкамлайберишни, ҳар қандай миллатчилик ва шовинизм кўринишларига ва сарқитларига қарши муросасиз кураш олиб боришни партия ўзининг вазифаси деб билади.

Мамлакатимизнинг ҳамма халқлари КПСС Программасининг проектини ўрганиб ва муҳокама қилиб, қонуний ватанпарварлик ҳислари билан фахрланмоқдалар. Улар партиянинг ленинчи сиёсати тўғрилигини, ҳар бир совет республикаси, ҳар бир халқ фақат СССР қардош социалистик миллатларининг улуғ оиласидагина янада равнақ топиши мумкинлигини ўзларининг кўп йиллик тарихий тажрибаларида кўриб қаноат ҳосил қилдилар.

«Бизнинг социалистик қардошлигимиз ўзаро ёрдам, ўзаро ҳурматлаш принципига қурилганлиги учун ҳам кучлидир, — дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев. — **ҳар бир халқ битта онла бўлиб умумий мақсад сари бормоқ учун бошқа халқларга ёрдамлашишни ўзининг интернационал бурчи деб ҳисоблайди. Ватанимиз халқларининг мана шу социалистик қардошлигини мустаҳкамлаш — ҳар бир совет кишисининг бурчидир».**

Совет Иттифоқининг ҳамма халқлари КПСС XXII съездини кутиб олишга тайёрланиб, Ленин партияси теварагида тағин ҳам маҳкам бўлиб жипслашмоқдалар, коммунизм тантанаси учун курашда ўз ғайратларига ғайрат қўшмоқдалар.

(«ПРАВДА»нинг 18 сентябрдаги бош мақоласи).

МАШИНАЛАР ИШГА ТУШДИ

Ленин районидаги Хрушчев номли колхозда пахта тайёрлаш суръати кун сайин тезлашмоқда. Колхоз бир кунда давлатга йиллик планнинг 2,5 процентини миқдорида пахта топширди ва йиллик планни 40 процентга етказди.

Шу куни машинада терилган 15 тонна пахта ҳам давлат омборига топширилди. Бу пахта Қўчқор Сиддиқов бошлиқ бригадада терилди. Асака адиридан янги ўзлаштирилган ерда ташкил қилинган бу бригада аъзолари 52 гектар майдонда ғўзани калта бўғин ва серҳосил қилиб ўстирдилар. Ҳар тупида 6-8 тадан пахта лўппи очилди. Абдулазиз Роҳаталиев, Имиямин Раҳимов, Кимсанжон Мирзакаримов сингари механик-ҳайдовчилар бункердан кунига 2,5-3 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқдалар.

Л. МАҲМУДОВ.

ЧЕВАР ҚЎЛЛАР

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ЛУБКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Юқори Чирчиқ районининг меҳнаткашлари КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, давлатга луб экинларн пояси топшириш йиллик планини муддатидан илгари — 18 сентябрда бажардилар. Тайёрлов пунктларига 80 минг тонна луб пояси топширилди. Бу — ўтган йилнинг шу давригача топширилганига нисбатан 27 минг 164 тонна ортиқдир. Каноп поясини қайта ишлаш планн тўла бажарилди. Гектаридан ўрта ҳисобда 180 центнердан каноп ҳосили олинди. Бу — будтургидан гектарига 24 центнер кўпдир.

Свердлов номли колхоз районда биринчи бўлиб йиллик планни 118,8 процент бажарди. Давлатга 20 минг 410 тонна каноп пояси сотилди. Гектар бошига ҳосил 217 центнер бўлди. «Политотдел» колхози 18 минг 47 тонна «қўк олтин» топшириб, йиллик планни 108,2 процентдан ошириб юборди. «Правда», «Ўзбекистон», «Ленинский путь» колхозларида ҳам яхши ҳосил етиштиришга муваффақ бўлинди.

«Политотдел» колхозидан Сергей Квон, Максим Ким ва Пак Си Гир, Свердлов номли колхозидан Борис Ким, Георгий Пак, Александра Ни ва Абдуғаффор Комилжонов, «Правда» колхозидан Ким Чун Ок, «Ўзбекистон» колхозидан Ан Вон Сун ўртоқлар бошлиқ бригадаларда гектаридан 220-250 центнердан каноп пояси олинди.

Давлатга каноп сотиш давом этмоқда. Район лубкорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллиги кунига қадар пландан ташқари 25 минг тонна луб экинлари пояси сотиш, шунингдек, шу кунгача каноп уруғини яччишни тамомлаб, 650 тонна уруғ олишга қарор қилдилар.

Район меҳнаткашлари партия XXII съездини муносиб кутиб олиш учун интилиб, давлатга ғалла, пилла, тухум, пичан сотиш планларини ҳам бажардилар. Силос бостириш топшириғи тўла адо этилди.

Бу қизларнинг юрагида, улар билан сафба-саф туриб пахта шиқида куйиб-ёнаётган, эртаю-эрта, кечқи-кеч демасдан, сира эринмай, ҳормай-толмай пахта тераётган қизларнинг юрагида буюк интилиш, буюк орзу бор. Чаман-чаман очилиб кетган чаноқларнинг қах-қаҳаси уларнинг қалбида акс садо бериб, кундан-кунга яхши ишлашга чорлаяпти.

Икки дугона, икки тенг юлдузи, яхлит далаларнинг бу икки машъали ким экан дерсиз. Уларнинг бири юқоридаги суратда хиёл табассум қилиб турибди. Иккинчиси ҳам пахта меҳри билан марварид тер тўкиб ишлаяпти. Бу икки чевар дугоналар Жиззах районидаги Сталин номли колхоз аъзолари. Уларнинг ҳар иккови ҳам Маматқул Омонов бошлиқ 14-бригадада ном чиқаришган. Бугун Адолат 150 килограмм пахта терса эртасига дугонаси Умрихон ундан ошириб, ишни қойил қилдим, дейди. Бригадада ҳам, колхозда ҳам бундай меҳнатсевар қиз-жувонлар кундан-кунга кўпаяпти. Адолат ва Умрихон кейинги бир кунда 160 килограммдан пахта терди. Адолат Абдиева кейинги беш кунда колхоз хирмонига 860 килограмм пахта тўкди. Бир кунда 162 килограмм пахта теришга муваффақ бўлди!

Юз килограмм, юз эллик килограмм — айтишга осон, холос. Шунча ҳосилни бир ерга жам қилгунча кишн чарчайди, унинг тинкаси қурийди. Лекин меҳнатсевар қизларнинг қалбида Ватанга, Партияга бўлган муҳаббат кучи шу қадар зўрки, бу меҳр кишига ишлаган сари куч, илҳом бахш этади.

• — Колхозимиз аъзолари 17 октябргача даолатга 6 минг тонна пахта сотиб, жонажон партиямизнинг XXII съезди очиладиган куни рапорт берадилар,» — дейди колхоз раисаси Муҳтарам Ботирбекова.

Ҳамид НУРИЙ,

СУРАТДА: (юқорида) Адолат АБДИЕВА, (пастда) Умри ТОШҚУЛОВА. Уларнинг ҳар иккови кунига 150-160 килограммдан пахта теряпти.

А. Тўраев фотоси.

ДАЛА ИШЛАРИ ҚУНДАЛИГИ

БАРГНИ ТЕЗРОҚ ТЎКТИРАЙЛИК

Ҳосили машинада териладиган майдонлардаги ғўза баргини сунъий тўктириш учун заҳарли дориворларни пуркаш ва чанглаш юзасидан агрономия фани тавсия этган энг қулай муддатлар ўтиб боряпти. Маълумки, дорилаш ва чанглаш кечиктирилса, ҳосилни машинада териш шунчалик орқага сурилади, вақтидан ўтказиб пуркалган ва чангланган доривор ўсимликка яхши таъсир қилмайди. Шунга қарамай, кўпгина хўжаликларда ғўза баргини дорилашга жиддий эътибор қилинмаяпти. Ана шундай колхоз ва совхозларда дори пуркаш ҳамда чанглаш ҳаддан ташқари кечиктириб юборилмоқда. Республикада 445 минг гектар ердаги ғўза баргини сунъий усулда тўктириш планлаштирилган бўлса, шундан 18 сентябргача 100 минг гектарга етартмас майдондаги ўсимлик дорланди.

Фарғона ва Бухоро областларининг раҳбарлари ғўза баргини дорилаш каби энг муҳим ишга панжа орасидан қарамоқдалар. Баргни сунъий тўктиришнинг кечиктирилиши ана шундан далолат беради. Фарғона областида 55 минг гектар ердаги ғўза баргини сунъий тўктирилиши лозим бўлгани ҳолда, энди 600 гектардан сал кўпроқ майдондаги ўсимликка дори пуркалди ва чангланди. Бухоро областида ҳосили машинада териладиган 42 минг гектар ердан атиги 4500 гектар майдондаги ғўза дориланди. Бу соҳада Андижон ва Хоразм областларида ҳам аҳвол яхши эмас.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш область станциялари ғўза баргини сунъий тўктиришнинг кечиктирилишига бефарқ қарамоқдалар. Дорилаш ишларини пайсалга солаётган, бу билан теримни машиналаштиришга ғов бўлаётган айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига нисбатан муросасозлик қилмоқдалар.

Ғўза баргини сунъий усулда яхшилаб тўктириш—пахта теримини кенг кўламда машиналаштиришга, кўсакни тезроқ очилтиришга қаратилган энг муҳим агротехника тадбиридир. Барги тўктирилган майдонларда терим агрегатларининг иш унуми бу тадбир ўтказилмаган карталардагига нисбатан 20 процентгача ортади, биринчи сорт пахта 6 процентгача кўпроқ териб олинади. Шунинг учун ғўза баргини сунъий тўктиришга жиддий эътибор бериш, ҳосили машинада териб олинадиган майдонлардаги ҳар бир туп ғўзада икки-учтадан кўсак очилгач дорилай бошлаш, бу ишда трактор пуркагич-чанглагичларидан, граждан ҳаво флотининг самолётларидан тўла ва унумли фойдаланиш керак.

Ҳар бир колхоз ва совхозда баргни сунъий тўктириш юзасидан берилган топшириқнинг тўла бажарилишига эришиш учун маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари бу иш билан яқиндан шуғулланишлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, мутахассисларига нисбатан талабчанликни оширишлари зарур. Ўсимликларни ҳимоя қилиш область станцияларининг ходимлари дорилаш ишларининг сифати устидан назоратни кун сайин кучайтиришлари лозим.

БАРГНИ ТЎКТИРИШ — МУҲИМ ИШ

Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида ғўза баргини сунъий тўктиришнинг бориши тўғрисида 1961 йил 18 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Топшириқнинг бажарилиши
Самарқанд	36,2
Тошкент	35,8
Сурхондарё	27,6
Қорақалпоғистон АССР	22,8
Хоразм	16,3
Андижон	11,4
Бухоро	10,5
Фарғона	1,1

Канга ПАХТА топширилди?

Ўзбекистон ССРда пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1961 йил 18 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

ОБЛАСТЛАР	Пахта тайёрлаш (планга нисбатан процент ҳисобида)		пахтани қоп-қаноссиз ташиш (мажбурияттга нисбатан процент ҳисобида)	
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Мавсум бошидан бери	
Сурхондарё	1,48	22,70	12,09	
Андижон	1,67	22,21	16,06	
Фарғона	1,48	18,16	6,60	
Хоразм	1,70	17,31	3,79	
Самарқанд	1,60	16,46	7,75	
Бухоро	1,73	15,48	6,71	
Тошкент	1,34	14,54	8,63	
Қорақалпоғистон АССР	1,26	13,42	3,77	

КВАМЕ НКРУМАНИНГ ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВГА ТЕЛЕГРАММАСИ

Гана президенти Кваме Нкрума Совет Иттифоқидан кетаётиб ўртоқ Н. С. Хрушчевга телеграмма юборди. Бу телеграммада у, совет мамлакати билан танишишга кенг имконият берилганлиги учун Совет ҳукуматининг бошлиғига ва СССР халқига самимий миннатдорчилик изҳор қилади.

Кваме Нкрума, менинг СССРда бўлганлигим мен ва менинг оилам учун ҳамиша қувончли хотира бўлиб қолади, деб ёзади. У, Л. И. Брежневга, А. И. Микоянга ва бошқа совет арбобларига ҳам миннатдорчилик изҳор қилади. Гана президенти яқинда Гана ўртоқ Н. С. Хрушчев билан учрашувига ишонч билдирди. (ТАСС).

ЎРТОҚ АЛВАРО КУНЬЯЛ СОВЕТ ИТТИФОҚИДА

Португалия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Алваро Куньял Совет Иттифоқига келди.

Ўртоқ А. Куньял қарийб ўн бир йилдан бери фашист режими ҳукмронлик қилаётган мамлакат тюрьмасида азоб чекиб ётган эди. Озодлик курашчи - революционернинг озод қилиниши учун совет жамоатчилиги ҳам кўп мамлакатларнинг жамоатчилиги билан бирга кураш олиб борди.

Португалия антифашистлари ўртоқ А. Куньялнинг ва Коммунистик партия бошқа раҳбар арбобларининг Пенишеге қўрғонидан қочиб кетишларини уюштирдилар. А. Куньял озодликка чиқиб, ана меҳнаткашларнинг манфаатлари учун, тинчлик, демократия ва Португалия халқининг озодлиги учун курашчиларнинг биринчи сафларига қўшилди. (ТАСС).

ЎРТОҚ АЛВАРО КУНЬЯЛ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Португалия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Алваро Куньял 16 сентябрда КПСС Марказий Комитетида қабул қилинди.

Бўлиб ўтган суҳбатда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. А. Суслов, О. В. Куусинен ўртоқлар ва КПСС Марказий Комитетининг аъзоси ўртоқ Б. Н. Пономарев иштирок қилдилар.

Гоят самимий вазиятда ўтган суҳбат давомида қараб чиқилган ҳамма масалалар юзасидан фикрлар тамомила бир хил эканлиги аниқланди. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВ КУБА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ О. ДОРТИКОС БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Куба Республикасининг Президенти доктор Освальдо Дортикос Торрадони 16 сентябрда Кремлда қабул қилди ва у билан суҳбатлашди.

Суҳбатда Куба томонидан Куба бирлашган революцион ташкилотларининг раҳбарларидан бири Блас Рока, Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Фаурэ Чомон ва Куба миллий банкининг маслаҳатчиси Хайме Баррнос Меса иштирок этдилар.

Суҳбатда Совет томонидан СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси В. Н. Новиков, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССРнинг Куба Республикасидаги элчиси С. М. Кудрявцев, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси А. Ф. Добрининҳ қатнашдилар.

Суҳбат вақтида халқаро аҳволнинг асосий масалалари устида ҳамда СССР билан Куба ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари устида фикрлар олишилди. Суҳбат самимий, хушкўнгиллилик вазиятида ўтди. (ТАСС).

ҚОММУНИСТЛАР АВАНГАРД

ФАРҒОНА. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбирлари**). Қува районидаги 9 колхознинг қайси бирига борманг, бўлиқ ғўза тупларида шодашода «оқ олтин» дурдоналарини кўриб беҳад қувонасиз. Булар тер тўкиб қилинган ижодий меҳнатнинг самараси!

Қува районининг азамат пахтакорлари андижонликларнинг мурожаати билан танишиб чиққач, ўзлари етиштирган пахта ҳосилининг салмоғини синчиклаб чамалаб кўрдилар ва шонли Коммунистик партиямизнинг XXII съезди шарафига давлатга пландаги 40.400 тонна ўрнига 45 минг тонна пахта сотишга аҳд қилдилар. Ҳозирги кунларда ана шу юксак мажбуриятни сўзсиз бажариш учун кураш ниҳоятда қизиб кетган. Колхозларнинг кайси бир звеноси ёки бригадасига борсангиз, баракали пахта хирмонлари тикланаётганини кўрасиз, чевар теримчиларнинг ватанпарварлик меҳнатига минг таҳсин айтасиз.

Райондаги «Коммунизм» ва «Социализм» колхозларининг жонкуярлари энг камида 5,5 минг тоннадан ҳосил кўтариш иштиёқида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу колхозларнинг пахтакорлари давлатга шу ойда йиллик планнинг 50 процентн миқдорида пахта сотиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. «Коммунизм» колхозининг Тожиали Зокиров, Усмонали Рўзиматов, Жаббор Раззоқов, «Социализм» колхозининг Неъмат Киргизбоев, Қўшоқ Рўзиқулов, Фахриддин Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадалари ҳозирнинг ўзидаёқ давлатга йиллик планнинг 30-40 процентн миқдорида пахта сотдилар. «Коммунизм» колхозининг моҳир теримчиси Ҳусанбой Орипов, «Социализм» колхозининг чевар теримчилари Тожихон Рустамова. Шарқия Меняева сингари кўпминг килограммчилар ҳар куни 200-250 килограммдан пахта термоқдалар.

Карл Маркс номли, Жданов номли, Охунбобоев номли ва бошқа колхозларда ҳам терим суръати кун сайин авж олмоқда.

Зангоғи кема капитанлари ишга шай бўлиб турибдилар. Карл Маркс номли колхознинг механик-ҳайдовчиси коммунист Умматали Парпиев, Жданов номли колхознинг механик-ҳайдовчиси коммунист Хабиба Холбекова, Охунбобоев номли колхознинг механик-ҳайдовчиси, КПСС аъзолигига кандидат Бахтихон Йўлдошева ва бошқалар ўз агрегатлари билан эрта-индин теримга тушадилар. Булар партиямиз XXII съезди шарафига 200 тоннадан пахта териб берамиз, деб сўз беришган.

— Мен,—дейди Умматали Парпиев, — жонажон партиямиз Программаси проектини синчиклаб ўқиб чиқиб, ғоятда таъсирландим. Биз ишлаб ишлаб турган ҳозирги замоннинг бу энг муҳим ҳужжатида коммунистик келажагимизнинг аниқ режаси чизиб берилганига қойил қолдим. Доно партиямиз ишлаб чиққан ҳар бир тадбир нақадар оқилоналигини ҳаёт ҳамма вақт тасдикламоқда. КПСС XXII съездида қабул килинадиган коммунистик қурилиш программаси ҳам ана шундай ҳаётий ҳужжатдир. Биз коммунизмни ўз меҳнатимиз билан қурамиз. Мен Ленин партиясининг аъзоси сифатида шу улуғ режанинг муваффакиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Пахтакор коммунистларнинг максади ана шундай. Пиғим-теримнинг ташкилотчи ва ташаббускорлари коммунистлар ва уларнинг шоили ёрдамчиси — комсомоллардир.

— Ҳамма қолхозчилар, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари Х. Эрматов, — КПСС XXII съездн шарафига зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Колхозлар съезд очиладиган кунгача йиллик планнинг 80-85 процентн миқдорида пахта топширадилар. 55 бригада съездгача пахта тайёрлаш йиллик планини. Октябрь революциясининг 44 йиллиги байрами кунигача эса олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажариш учун курашмоқдалар. Ҳозир район бўйича кунига 1 йиллик планнинг бир ярим процентн миқдорида пахта топширилмоқда.

XXII СЪЕЗДИГА ШАНДАРИ

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

БОШҚАРИШ МАКТАБИ, ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ МАКТАБИ, КОММУНИЗМ МАКТАБИ

С. НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон касаба союзлари Советининг раиси

□ □ □

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси проектини ўзларининг жонажон ишлари деб ўз ҳаётларининг буюк мақсади, коммунизм учун бошланган умумхалқ курашининг байроғи деб қабул қилдилар. Улар партиянинг совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди, коммунизм барча кишилар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик ва Бахт-саодат барқарор қилади, деб тантанали эълон қилганлигини ғоят катта мамнуният билан кутиб олдилар.

КПСС Программасининг проекти марксизм-ленинизмни ижодий қўлланишнинг намунаси, назария билан коммунистик қурилиш практикасини бирга қўшиб ҳал қилишнинг намунаси бўлиб, инсониятнинг порлоқ орзуси—коммунизмни амалда барпо қилишнинг аниқ-равшан йўлларини кўрсатиб беради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бутун тарихи ишчилар синфининг, мамлакатимиз меҳнаткашларининг КПСС раҳбарлигида босиб ўтган машаққатли ва қаҳрамонона йўли тўғрисида ҳикоя қилади. Қаҳрамонона босиб ўтилган бу йўлнинг оловли йилларида вужудга келган касаба союзлари партиянинг оммавий таянчи бўлди ва бўлиб келмоқда.

СССР касаба союзларининг вужудга келиши ривожланиши ва фаолияти Коммунистик партиянинг ғоявий-сиёсий раҳбарлиги билан ҳамбарчас боғлангандир.

КПСС Программасининг проекти совет касаба союзларининг ривожланишидаги янги босқични белгилаб беради.

Коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган давр, социалистик демократиянинг ҳар тарафлама ривожланиши ва такомиллашиши, давлатни бошқаришда, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишда барча граждапларнинг актив қатнашиши билан характерланади. Бу даврда жамоат ташкилотларининг роли янада ортади.

«Касаба союзларининг, — дейилади КПСС Программасининг проектида — **бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби сифатидаги аҳамияти айниқса кучаяди».**

Ҳозирги вақтда ўз сафларида бир ярим миллионга яқин кишини бирлаштирган Ўзбекистон касаба союзлари коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида омманинг жанговар ташкилотчиси, жонажон партиямизнинг актив ёрдамчиси, унинг сиёсатини амалга оширишда содиқ ва ишончли кўмакчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон касаба союзлари халқ хўжалигини планлаштиришда, ишлаб чиқариш, давлат ва хўжалик органларида ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишда ўзларининг аввалгига қараганда оширилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, актив қатнашмоқдалар саноат, транспорт ва қурилиш корхоналари фаолиятининг ҳамма соҳасига кув сайин таъсир кўрсатмоқдалар планларни бажариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун, ички имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш учун ғайрат ва ташаббус кўрсатиб курашмоқдалар. Касаба союзлари меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг миқёсда жалб қилмоқдалар. Улар қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун бошланган умумхалқ курашида актив қатнашмоқдалар, оммани коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида катта тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Мамлакатимиз коммунизмга яқинлашган сари касаба союзлари меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти сифатида ўз зиммаларига шунчалик кўпроқ янгидан-янги вазифаларни оладилар. Улар давлат ва жамоат ишларини бошқаришга меҳнаткашларни тобора кенг миқёсда жалб қилаверадилар. Ҳозирги вақтнинг ўзидаёқ касаба союзлари меҳнат ва турмуш билан боғлиқ бўлган давлат социал страховацияси, санаторийлар, дам олиш уйлари ва меҳнатга тааллуқли кўпгина ишларни олиб бормоқдалар.

КПСС Программаси проектида бундай дейилади:

«Хўжалик планларини ишлаб чиқиш ва реализация қилишда, ишчи ва хизматчилар меҳнати масаласини ҳал этишда, хўжаликка раҳбарлик қилиш ва корхоналарни бошқариш органларини тузишда касаба союзларининг бевосита ва энг актив иштироки тобора кенгайиши лозим. Корхона фаолияти масалаларини ҳал этишда ишчи ва хизматчилар коллективининг ролини ошириш зарур».

Касаба союзлари Коммунистик партия раҳбарлигида ташкил қилаётган социалистик мусобақа совет кишилари ҳаётида мустаҳкам ўрин гутмоқда. Социалистик мусобақа фақат техника тараққиётини тезлаштириш, меҳнат унумдорлигини кескин суратда ошириш воситаси бўлибгина қолмай, шу билан бирга ажойиб мактабга ҳам айланди. Бу мактабда меҳнаткашлар ишлаб чиқаришни бошқариш маҳоратини ўрганадилар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ишчилари, инженерлари, техникларининг асосий кўпчилиги социалистик мусобақада қатнашмоқда. Республикамизда коммунистик меҳнат ҳаракати кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Бу ҳаракатда 300 мингдан ортиқ яъни ўтган йилдагига қараганда деярли уч баравар кўпроқ киши иштирок қилмоқда. 16 мингга яқин ишлаб чиқариш бригадалари, 100 дан ортиқ корхона коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун ва 60 минг киши коммунистик меҳнат зарбдорлари номини олиш учун мусобақалашмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ 3182 бригада, участка, смена ва цех, 5 та корхона ва 11 мингга яқин киши бу шарафли номни олишга сазовор бўлди.

Доимий ишлаб чиқариш кенгашлари меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб қилишнинг энг муҳим формаларидан бири бўлиб қолди.

«Партия касаба союзларига, — дейилади КПСС Программасининг проектида,—уларнинг доимий ишлаб чиқариш кенгашларини, корхоналар ишларини ва ишлаб чиқариш устидан контролни яхшилашга кўмаклашувчи тобора таъсирчан органларга айлантира бориб хўжаликка раҳбарлик қилиш соҳасидаги ўз фаолиятларини кучайтиришларида ёрдам берадн».

Республикадаги доимий ишлаб чиқариш кенгашлари ўз ишларида катта тажриба тўпладилар, уларнинг корхоналар ишига бўлган таъсири тобора ўсмоқда. Ҳозирги вақтда бу коллектив органлар составига 110 мингдан ортиқ киши ўюшган. Улар меҳнаткашлар, завод, фабрика ва совхозларнинг ишлаб чиқаришини ташкил этишни яхшилашга қарата 16 мингга яқин таклиф киритдилар.

КПСС Программаси проектида ишчилар ва инженер-техник ходимларни рационализаторлар ва ихтирочилар сафига кўпроқ жалб қилиш зарурлиги уқтириб ўтилган. Ўзбекистонда янгилик қидирувчи, техника тараққиёти учун курашувчиларнинг олдинги сафида бораётган бундай ижодий инсонлар 30 мингдан ортиқ кишини ҳисобланади. Рационализаторлар ва ихтирочилар етти йилликнинг бошидан буён 10 мингта таклиф киритдилар. Бу таклифлар 37 миллион сўмлик иқтисодий фойда келтирди.

Ўзбекистон касаба союзлари совети ва Халқ хўжалик кенгаши рационализаторлар ва ихтирочиларнинг КПСС XXII съезди номидаги республика эстафетасини ташкил қилди. Бу эстафета тобора кўпроқ оммавий тус олмоқда.

Касаба союз ташкилотлари илғорлар тажрибасини оммалаштириш ва бу ишга жамоатчиликни кенг жалб қилишга алоҳида аҳамият бериб, республиканинг кўпгина корхоналарида наваторлар кенгашлари, илғор тажриба институтлари ва мактаблари ташкил қилдилар.

Касаба союзлари омманинг коммунистик онглилигини ошириш тўғрисида тинмай гамхўрлик қилишлари, коммунистик меҳнат учун мусобақа ташкилотчилари бўлиб майдонга чиқишлари, давлат ва жамоат ишларини бошқариш малакалари ҳосил қилишда меҳнаткашларга ёрдам беришлари керак. Улар ишчи ва хизматчиларни техникани тобора тараққий эттириш учун, меҳнат унумдорлигини янада ошириш, давлат планлари ва топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун курашга жалб қилиш билан уларнинг активлигини кучайтиришлари лозим. Касаба союзлари ишчи ва хизматчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида доим гамхўрлик қилишлари, меҳнаткашларнинг ҳақ ва ҳуқуқларини кўриқлашлари керак.

КПСС Программаси проектида жамоат ташкилотларининг жамоат тартибини, айниқса халқ дружиналарини, ўртоқлик судларини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш зарурлиги уқтириб ўтилган. Бу ишларнинг ҳаммасида касаба союзлари айниқса муҳим роль ўйнамоқлари лозим.

Совет касаба союзларининг оммавий хусусиятга эга эканлиги уларнинг ўз моҳияти билан белгиланадики, буни таъкидлаб ўтиш зарур. Жамоатчилик кучи билан бажариладиган ишлар касаба союзлари ҳаётига тобора кўпроқ сингиб бормоқда, шу билан бирга, касаба союзларининг маош олиб ишлайдиган аппарати борган сари қисқармоқда.

Ўзбекистон касаба союзларининг бошланғич ташкилотларидаги барча ишларнинг 95 проценти жамоатчилик кучи билан бажарилмоқда. Республикада касаба союзларининг бошланғич ташкилотлари 13.450 тадир. Республика касаба союзлари сафидаги активистлар 300 минг кишидан ортади. Улар жамоат ишларини кун сайин самарали олиб бормоқдалар. Ўзларининг бўш вақтларини касаба союз группалари, цех, фабрика-завод маҳаллий комитетларида ва бу комитетларнинг турли комиссияларида ишлашга сарфламоқдалар.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда меҳнаткашларнинг оммавий йиғилишлари, новаторлар кенгашлари, жамоат конструкторлик бюролари, энг муҳим қурилишларда ва қишлоқ хўжалигидаги контроль постлар, медицина муассасалари, маҳалла ва уй комитетлари ҳузуридаги кенгашлар, жамоат тартибини қўриқловчи кўнгилли халқ дружиналари ва бошқа кўпгина ажойиб формаларни тобора оммавий тус олиб бормоқда.

Шуни айтиш керакки, жамоатчилик ташаббуси касаба союзлари—касаба союз область советларининг, республика ва область комитетларининг иш практикасида ҳам тобора кўпроқ кенгайиб бормоқда. Масалан, Андижон областида қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчи ва хизматчилари касаба союзининг жамоатчилик ташаббуси билан ишлайдиган битта. Сурхондарё областида эса 2 та район комитети тузилган. Бу район комитетлари касаба союзларининг жамоатчилик ташаббуси билан ишлаши соҳасида дастлабки қадамларнигина қўймоқдалар. Давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба союзи республика комитетининг топшириғи билан 90 дан ортиқ инструктор маош олмай ишламоқда.

Бироқ, ҳали касаба союзларининг область советлари, республика ва область комитетларининг ҳаммаси жамоатчилик йўли билан ишловчи ходимларнинг активлигини кучайтиришга етарли эътибор бераётгани йўқ. Машинасозлик саноати ишчилари касаба союзи Сталинград область комитетининг ВЦСПС президиуми томонидан маъқулланган тажрибаси республикамизда кенг оммалаштирилмаётир. Бу область комитети ходимларидан ҳеч ким маош олмаётганига қарамай, комитет ишлари маош оладиган аппарати бўлган комитетларнинг ишларига қараганда яхши олиб борилмоқда.

Шунга эришиш зарурки, касаба союз органларимиз жамоат советлари ва комиссияларини, маош олмасдан ишловчи инструктор ва инспекторлар группаларини дадиллик билан тузсинлар.

Республикамиз меҳнаткашлари КПСС Программаси проектини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Республика касаба союзи ташкилотларининг вазифаси — бу тарихий ҳужжатни ҳар бир кишининг онгига етказишдан, уни меҳнаткашларга чуқур тушунтириб беришдан, бу ишни ҳаёт билан, конкрет иш билан, ишчи ва хизматчиларни етти йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун сафарбар қилиш билан мустаҳкам боғлаб олиб боришдан иборат.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва СССР Ҳукуматининг Ватанимизнинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга қарата кўрган тадбирлари тўғрисидаги хабарни Ўзбекистон касаба союзларининг бир ярим миллион кишилик армияси зўр қониқиш билан кутиб олди. Касаба союз аъзолари янада зўр бериб фидокорона меҳнат қилишга ва бутун дунёда тинчлик ишини сақлаб қолишга қаттиқ бел боғлаганлар.

Коммунизм қурилишининг КПСС Программаси проектида аниқ-равшан чизиб берилган улуғвор перспективаларидан илҳомланган Ўзбекистон касаба союзлари республика меҳнаткашларини Никита Сергеевич Хрущев бошчилигидаги жонажон Коммунистик партиямиз ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига янада маҳкам жипслаштирадилар, коммунизм учун курашда партиянинг жанговар содиқ ёрдамчиси ролини шараф билан бажарадилар.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ КЕНГ АВЖ ОЛДИРИЛСИН

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда қурувчилар жуда катта ва фахрли роль ўйнайди. «Ферганаводстрой» трести 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи М. Ню область «Ферганская правда» газетасида эълон қилинган мақоласида ана шу фикрни таъкидлаб, айни вақтда қурилишни ташкил этишнинг мавжуд тартиби КПСС Программаси проектидан келиб чиқадиган юксак талабларга жавоб бермайди, деб ёзади. Шу муносабат билан автор бир қанча мулоҳазалар ва таклифларни билдириб, менинг фикримча, буларни партия Программасида акс эттириш матлубдир, дейди.

Жумладан у, қурилиш ташкилотларининг кооперация усулида ишлаш тартибини қайта қараб чиқишни таклиф этади. Ишни шундай тарзда қўйиш керакки, деб ёзади Ню, қурувчиларга маълум материалларни етказиб бериш мажбуриятини олган корхоналар объектларнинг ўз вақтида ишга туширилмаслиги учун жарима тўлашдан иборат моддий жавобгарликка тортилибгина қолмай, шу билан бирга давлат олдида тўла масъулиятга тортиладиган ҳам бўлсинлар. Шундан сўнг автор ҳар қайси иқтисодий районда капитал қурилишнинг зарур материалларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондирадиган саноат вужудга келтирилишини кўзда тутувчи моддани КПСС Программасига киритишни тавсия қилади. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ АЪЗОСИ ДЕГАН НОМНИ ҚАДРЛАШ КЕРАК

ОҲАНГАРОН, 14 сентябрь. (ЎзТАГ). Ўзбекистон кочегаркаси — Оҳангарон коммунистлари ва партиясиз меҳнаткашлари КПСС нинг Программаси ва Устави проектларини зўр қизиқиш билан ўрганишни давом эттириб, бу проектларга ўзларининг конкрет таклифлари, қўшимчалари ва истакларини киритмоқдалар.

9- шахтадаги тозалаш забойининг ишчиси коммунист М. Пиримқулов КПСС Программасининг бешинчи бўлимига қўшимча киритиб, меҳнатга лаёқатли коммунистнинг меҳнат қилмай даромад олишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ёзишни таклиф қилади.

Кўмир разрезининг экскаватор машинисти коммунист Х. Алиқулов партия жазосига эга бўлган партия аъзоси жазо олган вақтида эгаллаб турган вазифасидан юқорироқ раҳбарлик лавозимига сайланиши мумкин эмас, деган фикрни КПСС Уставида кўрсатиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди. У, Уставни қуйидаги жумла билан тўлдиришни таклиф қилади: «Партия жазоси жазо берилган пайтдан бошлаб камида бир йил ўтмасдан илгари олиб ташланмаслиги керак». Х. Алиқуловнинг фикрига кўра, коммунист шу муддат мобайнида ўз ножўя ҳаракатини тушуниб олганини ва тузалганини амалий ишлар билан исботлаб бериши мумкин.

КПСС Устави проектининг биринчи бўлимидаги саккизинчи моддада бундай дейилган: «Узрсиз сабаблар билан уч ой мобайнида аъзолик взносларини тўламаган партия аъзолари ва кандидатлари бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилиниши керак». Очиқ разрез партия ташкилоти секретарининг ўринбосари планчи инженер И. Монастирская ана шу моддани Уставдан чиқариб ташласа бўлади, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бундай моддани нинг бўлишига ҳожат йўқ, чунки партияга илғор, онгли кишилар аъзо бўлиб киради. Башарти, партия аъзоларидан бирон киши Уставдаги ўз вазифасига хилоф иш тутиб, аъзолик взносларини вақтида тўламаган тақдирда ҳам, унга нисбатан Уставнинг қуйидаги моддаси татбиқ этилиши мумкин: «Партия аъзоси Уставда кўрсатилган вазифаларини бажармаганлиги ва бошқа ножўя ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилади...»

Сурхондарё область. «Ломоносов» теплоходининг коммунистик меҳнат экипажи аъзолари партия XXII съездини муносиб кутиб олиш учун ҳаракат қилиб, йиллик юк ташиш планини 17 октябргача бажаришга сўз берган эдилар. Яқинда теплоходчилар ўз ваъдаларининг устидан чиқдилар ва съезд очиладиган кунгача 8 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташиб бериш ҳақида қўшимча мажбурият олдилар. Суратда: (чапдан ўнгга) капитаннинг иккинчи ёрдамчиси Г. Зорин, радист Г. Сафиханова ва «Ломоносов» теплоходининг капитани Ш. Жўраев ўртоқлар экипаж йиллик планни муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида старший диспетчер юборган телеграммани ўқимоқдалар.

А. Ким фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЧИННИСОЗЛАР ТУҲФАСИ

Тошкент чинни заводининг КПСС XXII ва Ўзбекистон Компартияси XVI съездлари шарафига социалистик мусобақа эстафетасини қизғин авж олдираётган ишчи-хизматчилари меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритаётирлар. Чиннисозлар 8 ойлик ишлаб чиқариш топшириғини ошириб бажариб пландан ташқари 13.400 дона юқори сифатли чинни буюмлар тайёрладилар.

Завод коллективи ўзаро мусобақада Н. Ҳакимжонов ва Т. Птичкина ўртоқлар бошлиқ чинни пишириш ҳамда тайёр буюмларга гул солиш цехлари айниқса яхши натижаларга эришаётир.

Ўн ойлик топшириқни партиямиз XXII съезди очиладиган кунгача уддалаб, пландан ташқари 30 минг дона юқори сифатли чинни буюмлар етказиб беришга аҳд этган завод коллективи шу кунларда ишлаб чиқариш суръатини айниқса кучайтириб юбордилар.

О. НОРХЎЖАЕВ.

ЛЕНИНГРАДЛИКЛАРДАН ЎРНАК ОЛИБ

Шу кунларда Чирчиқ бинокорлари ғайрат билан ишламоқдалар. Бакир Абдураҳмонов бошчилик қилаётган комплекс бригада аъзолари КПСС Программаси проектидан руҳланиб коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли ном олишга астойдил ҳаракат қиляпти.

— Биз. 160- қурилиш трести бинокорлари, — дейди бригада бошлиғи Абдураҳмонов, — Ленинград бинокорларидан ўрнак олиб, уй-жой биноларини маълум муддатга кафиллик билан фойдаланишга топширмоқдамиз.

В. ТАЛГАРОВ.

«ҲАВО» АГИТБРИГАДАСИ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА

Бағдод районидаги «Победа» колхозининг марказий саройига уч мингга яқин киши тўпланди. Ҳозир бўлганлар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг илмий ходими Т. Аҳмедовнинг лекциясини диққат билан тингладилар. Лектор уларга замонамизнинг ажойиб ҳужжати—КПСС Программаси проектида белгиланган улуғвор ишларнинг плани ҳақида сўзлаб берди.

Лекциядан сўнг, Тошкентдан келган бир группа санъат усталари ва ҳаваскор артистларнинг қишлоқ механизаторлари олдида катта концерти бошланди. Концерт яхши ярим соат давом этди. Агитация-бадиий бригаданинг интермедиялари ва лапарлари пахтакорларга айниқса манзур бўлди.

Меҳмонларнинг қўшиқларини пахтазорларда ҳам ашитиш мумкин эди. Бу ерда улар колхозчиларга қўшилиб пахта тердилар. Тушлик дам олиш вақтида эса агитбригада аъзолари дала шийпонларида теримчилар билан суҳбатлашдилар, қишлоқ агитаторларига йўл-йўриқ бердилар ва деворий газета чиқаришда ёрдамлашдилар. Улар колхоздаги бадиий ҳаваскорлар коллективига ҳам маслаҳатлар бердилар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика касаба союзлари Совети ҳамда сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият агитгазетасининг навбатдаги рейси икки ҳафта давом этди. Лекторлар, Тошкент театрларининг артистлари, Тошкент шаҳар Маданият уйининг бадиий ҳаваскорларидан иборат бригада Фарғона ва Андижон областларидаги 19 колхозда бўлди. Бригада бу колхозларда юзга яқин лекция, доклад ва суҳбат ўтказди, 20 та концерт берди. Пахтачилик устасларининг билдирган жуда кўп фикрлари агитбригада фонини муваффақиятли ўтганлигидан далолат беради.

Бу — агитгазетанинг иккинчи сафаридир. Агитгазета бундан Самарқанд, Бухоро, Хоразм областларига ва Қорақалпоғистон колхозларида бўлган эди. Ҳозир республика областлари бўйлаб жўнайдиган агитпоезд сафарга тайёрланмоқда. (ЎзТАГ).

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

«Чирчиқэлектромаш» заводининг ички йўлларидан Балаков сўнъий тола комбинати адресига «КНТП-1000/10» маркали трансформаторли подстанциянинг дастлабки комплекти жўнатилди. Бундай типдаги подстанция Ўзбекистонда биринчи марта тайёрланмоқда.

Янги подстанциялар трансформатор иш режимини автоматик тарзда бошқарувчи асбоблар билан жиҳозланган. Конструкция овозли ҳамда ёниб-ўчувчи сигнализация системаси билан таъминланган.

Бундай трансформаторли подстанцияларнинг яна бир турнуми мамлакатнинг қора металлургия ва кимё саноати корхоналарига жўнатиш учун тахт қилиб қўйилди. (ЎзТАГ).

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИ ТЎЛИҚ ТЎПЛАМИНИНГ ЙИГИРМА ИККИНЧИ ТОМИ

В. И. Ленин Асарлари тўлиқ тўпламининг КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти томонидан тайёрланган ва давлат сиёсий адабиёт нашриёти томонидан нашр этилган йигирма иккинчи томи босилиб чиқди. Бу томга 1912 йилнинг июли — 1913 йилнинг февралида ёзилган асарлар киритилган. Томга киритилган асарларнинг кўпчилиги мамлакатда кучайиб бораётган революцион кўтарилишни анализ қилишга, большевикларнинг янги шароитдаги тактикасини тушунтириб беришга, партиянинг бирлиги ва унинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш учун олиб борилган кураш, меньшевик-ликвидаторларнинг ва троцкичиларнинг бузуқчилик фаолиятини фош қилишга, якинлашиб келаётган жаҳон уруши хавфига қарши курашга бағишланган асарлардир.

Йигирма иккинчи томга В. И. Ленининг еттита янги ҳужжати киритилди. Булар орасида — РСДРП Марказий Комитетининг «Россиянинг ҳамма гражданларига» деган хитобномаси, «Сиёсий характерсизлик тўғрисида (Редакцияга хат)», «Яна IV думадаги деҳқон депутатлар тўғрисида» деган мақолалар ҳамда «РСДРП Марказий Комитетининг Краковда партия ходимлари билан ўтказган кенгашида «Правда» газетаси редакциясини қайта ташкил этиш ва унинг иши тўғрисида қабул қилинган резолюция бор. (ТАСС).

БУЮК ҲУЖЖАТЛАРНИ ҲАР БИР МЕҲНАТКАШ ОНГИГА СИНГДИРАМИЗ

Самарқанд областининг меҳнаткашлари КПСС Программаси ва Устави проектларини зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Улар жонажон Коммунистик партиянинг совет кишилари бахт-саодати тўғрисида оталарча қилаётган ғамхўрлигига жавобан, партия XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

Область партия ташкилотлари Программаси ва Устави проектларини ҳар бир меҳнаткаш онгига етказиш юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Бу муҳим ишга 19 мингдан кўпроқ агитатор, қарийб 6 минг пропагандист ва сиёсий докладчи, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари жалб этилди.

Тарихий ҳужжатларни кекса коммунистлар ҳам пропаганда қилмоқдалар. 1918 йилдан бери КПСС аъзоси М. Ўринхўжаев раҳбарлигидаги Самарқанд «Революция шуҳрати клуби» аъзолари қаҳрамон партиямизнинг биринчи программадан бошлаб, то шу кунгача босиб ўтган йўлини меҳнаткашларга, айниқса ёшларга кенг тушунтирмоқдалар.

Ҳозирги вақтда ҳамма корхоналарда, колхоз ва совхозларда, муассасаларда, клублар ва паркларда, қизил чойхоналар ва аҳоли яшайдиган жойларда партия Программаси ва Устави проектлари ҳақида консультациялар, суҳбатлар, савол ва жавоб кечалари ўтказилмоқда.

Партия Программасининг назарий масалалари ҳаёт билан, корхона ва муассаса олдида турган конкрет вазифалар билан боғланган ҳолда ўрганиляпти. Область партия комитети Самарқанд шаҳрида ва райондарнинг марказларида бошланғич партия ва комсомол ташкилотлари секретарлари, пропагандистлар, лекторлар, агитпункт мудирлари, маданий-оқартув муассасаларининг ходимларининг семинарларини ўтказиб, уларга замонамиз улуғ ҳужжатларини тушунтириш юзасидан қандай иш олиб бориш тўғрисида кўрсатмалар берди.

Клубларда, маданият уйлари ва маданият саройларида, агитпунктларда, кутубхоналарда, дала шийпонларида КПСС XXII съездига бағишланган китоблар выставкаси, фотовитриналар, стендлар ташкил қилинди.

Олий ўқув юртлари ва техникумларда назарий конференциялар ўтказиляпти. Медицина институтида ўтказилган шундай конференция айниқса қизиқарли бўлди.

Тарихий ҳужжатлардан руҳланган ишчилар ва колхозчилар партия XXII съезди шарафига олган мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, ўз ҳаммаларига янги оширилган мажбуриятлар олияптилар. Жумладан, Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхознинг бригада бошлиғи Зулайхо Ҳамидова бошлиқ бригада аъзолари тарихий ҳужжат билан танишиб чиққанларидан кейин 16 октябрга қадар ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилдилар.

Булунғур районидаги Ленин номли колхоз аъзолари партиямизнинг тарихий ҳужжатларини зўр қизиқиш билан ўрганяптилар. Кекса механизатор Абдусаид Эргашев колхоз аъзоларининг фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Партия айтдими, албатта бажарилади. Мен бунинг жонли шоҳидиман. Қишлоғимизга биринчи марта трактор келганида кишиларимизнинг нақадар қувонганини ҳали-ҳали эсимда. Ҳозир эса колхозимизда 56 трактор бор. Бундан ташқари экскаваторлар ва ўнлаб бошқа хилдаги машиналаримиз бор. Ҳамма жойда омочнинг ўрнини машина олди. Шунинг учун ҳам деҳқонларимиз бахтли турмуш яратиб берган жонажон партиямизга чин юракдан раҳмат демоқдалар.

— Программа проектида совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди деб айтилган илҳомбахш сўзлар ҳар биримизни чексиз қувонтиради, — деди колхоз аъзоси Дўсбой Одилов, — Лекин бу жамият ўз-ўзидан қурилмайди. Уни яқинлаштириш ўзимизга, ҳалол меҳнатимизга боғлиқ.

«Кинап» заводининг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи Михаил Зюзин айтдики, КПСС Программаси проекти ҳаммамиз учун энг яқин ва тушунарли ҳужжатдир. Мен уни тўла қўллаб-қувватлайман ва унда белгиланган вазифаларни бажаришга куч-қувватимни аямайман.

Бригада бошлиғининг сўзи билан иши бир. Ҳозир бу бригада кунлик топшириқни 130 процентга етказиб бажармоқда.

Шу кунларда областнинг қайси ерига борманг ҳамма жойда меҳнаткашлар Программа проектини қизғин муҳокама қилаётганликларини кўрасиз. Улар бу ҳужжатни қизғин қўллаб-қувватлаш билан бирга ўзларининг айрим фикр ва мулоҳазаларини ҳам билдиряптилар. Область партия комитети буни назарда тутиб, барча таклифларни тўплаш мақсадида оператив группалар тузди. Районларга малакали сиёсий докладчилар, консультантлар, олимлардан ва ижтимоий фанлар кафедраларининг ўқитувчиларидан иборат лекторларни ҳамда область партия, совет ва комсомол активларидан бир қанча кишини юборди.

Область сиёсий маориф уйи ва кабинетлари ҳам ўз фаолиятларини бир мунча яхшиладилар. Улар ҳузурида Программа ва Устав проектларига бағишланган консультациялар, адабиётларнинг тематик выставкалари ташкил этилди.

Тарихий ҳужжатларни пропаганда қилиш ишига ижодий ташкилотларнинг ходимлари — ёзувчилар, драматурглар, артистлар рассомлар ҳам қатнашмоқдалар. Сўнгги бир ой ичида халқ ижоди уйининг ходимлари тузган агитмашина областнинг 9 районида бўлди. Булунғур, Самарқанд, Оқдарё, Пойариқ ва Ғаллаорол районларининг колхоз ва совхозларида бадиий ҳаваскорлик тўгаракларга пахтакорлар учун концертлар қўйиб бердилар. Лекторлар ўнлаб темаларда суҳбатлар ўтказадилар, шунингдек дала шийпонларини жиҳозланда партия ва комсомол ташкилотларига ёрдам бердилар.

Партия съезди олдидан олиб борилаётган бу ишлар катта ишнинг бир қисми, холос. Биз мамлакатимизда коммунизм қурилишининг программасини ҳар бир меҳнаткаш онгига сингдириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ҳеч шубҳа йўққи, область партия ташкилоти омма ўртасида олиб бораётган ташкилотчилик ва сиёсий ишлар даражасини янада кучайтириб, Коммунистик партиямизнинг XXII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездини муносиб кутиб олади.

М. УМАРОВ,
Самарқанд область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

ОЛИЙ МАКТАБ ХОДИМЛАРИ МУКОФОТЛАНДИ*)

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Абаева** София Саидовна — доцент, В. В. Куйбишев номли Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг кафедра мудири.

2. **Мирзоян** Николай Александрович — профессор, академик И. П. Павлов номли Самарқанд давлат медицина институтининг кафедра мудири.

3. **Скавиш** Николай Федорович — доцент, В. В. Куйбишев номли Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг кафедра мудири.

4. **Ҳамроқулов** Баҳром Юсупович — доцент, Алишер Навоий номли Самарқанд давлат университетининг кафедра мудири.

5. **Чикаев** Ҳаким Файзуллович — Алишер Навоий номли Самарқанд давлат университетининг доценти.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Ҳожиев Муҳаммад Қули — биология фанлари кандидати, Қарши давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Ядиханова Гасля Султоновна — доцент, Қарши давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Ризаева Клара — филология фанлари кандидати, Қарши давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Автономов** Анатолий Иванович—профессор, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг кафедра мудири.

2. **Аҳмаджонов** Юнусжон Аҳмаджонович — Тошкент давлат медицина институтининг доценти.

3. **Бабушкин** Леонид Николаевич — профессор, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг кафедра мудири.

4. **Зоҳидов** Теша Зоҳидович — профессор, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг кафедра мудири.

5. **Корнев** Муҳаммаджон Мурович — доцент, Тошкент молия-иқтисод институтининг ректори.

6. **Колпакова** Татьяна Александровна — доцент, Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг кафедра мудири.

7. **Лебединский** Николай Иванович — профессор, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

8. **Содиқов** Обид — профессор, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ректори.

9. **Саримсоқов** Тошмуҳаммад Алиевич — профессор, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри.

10. **Уклонский** Александр Сергеевич — профессор, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

11. **Ўлмасбоев** Шароф Низомиддинович — иқтисодий фанлар доктори, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

12. **Ҳожинова** Мақсуда Аъзомовна — профессор, Тошкент тўқимачилик институтининг ректори.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Алимов** Абдураҳмон — доцент, Тошкент тўқимачилик институтининг кафедра мудири.

2. **Аминов** Олим — профессор, Тошкент молия-иқтисод институтининг кафедра мудири.

3. **Бобоев** Жалол Мансурович—доцент, Тошкент Олий партия мактабининг кафедра мудири.

4. **Владимиров** Георгий Петрович — профессор, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг кафедра мудири.

5. **Голованов** Дмитрий Герасимович — доцент, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг проректори.

6. **Кошевников** Георгий Антонович — профессор, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш Тошкент институтининг кафедра мудири.

7. **Компаниец** Николай Николаевич — профессор, Тошкент давлат медицина институтининг проректори.

8. **Мирзаев** Ориф Мирзаевич—доцент, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ректори.

9. **Миркамолова** София Ҳамидовна — профессор, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг факультет декани.

10. **Муҳаммедова** Мақсуда — доцент, Тошкентдаги чет тиллар давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

11. **Ошанин** Лев Васильевич—профессор, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг кафедра мудири.

12. **Петрова** Мария Анатольевна — профессор, Ўзбекистон давлат физкультура институти кафедрасининг мудири.

13. **Пескова** Мария Ивановна—В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг доценти.

14. **Ражабов** Сиддиқ — профессор, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

15. **Рустамов** Хусни Рустамович — профессор, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

16. **Ржков** Сергей Николаевич — профессор, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг проректори.

17. **Салимов** Теша Ҳакимович—доцент, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

18. **Сергунькова** Ольга Ивановна — доцент, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

19. **Сигов** Сергей Александрович — доцент, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг биринчи ўринбосари.

20. **Сирожиддинов** Саъди Ҳасанович — профессор, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг кафедра мудири.

21. **Топорнин** Дмитрий Сергеевич — профессор, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

22. **Троицкий** Алексей Викторович — профессор, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари Тошкент институтининг кафедра мудири.

23. **Холиқов** Муҳаммаджон Қличевич — физика-математика фанлари кандидати, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг старший ўқитувчиси.

24. **Хўжаев** Малик Хўжаевич—доцент, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг проректори.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Абдурасулева** Амина Раҳимовна — В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг доценти.

2. **Одилхўжаев** Эшон Аъзамович — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг доценти.

3. **Азизов** Полвон Бобоевич—доцент, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг проректори.

4. **Аковбян** Армаис Аристагесович — профессор, Тошкент давлат медицина институтининг кафедра мудири.

5. **Орипова** Фатиха Мухабовна — Тошкент политехника институтининг доценти.

6. **Орифхонова** Маъфура—Тошкент политехника институтининг доценти.

7. **Ортиқов** Абдураҳмон Ортиқович — доцент, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

8. **Асқаров** Адҳам Асқарович—доцент, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш Тошкент институтининг проректори.

9. **Астахов** Михаил Иванович—Тошкент алоқа электротехника институтининг ректори.

10. **Отажонов** Раҳим Каримович — Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг доценти.

11. **Аҳмедов** Карим Содиқович — профессор, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг кафедра мудири.

12. **Ашрапова** Муқаддам Ашраповна — Тошкент давлат медицина институтининг доценти.

13. **Айрумов** Арсен Михайлович — профессор, Тошкент молия-иқтисод институтининг кафедра мудири.

14. **Балашов** Николай Николаевич — профессор, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг кафедра мудири.

15. **Боймуҳамедов** Ҳосил Нурметович — геология фанлари доктори, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

16. **Будников** Владимир Иванович — доцент, Тошкент тўқимачилик институтининг кафедра мудири.

17. **Гофман** Шмер Менделеевич — профессор, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг кафедра мудири.

18. **Давлетшин** Муҳамед Габдулгалимович — доцент, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг проректори.

19. **Ибрагимов** Селим Сейфулевич — доцент, Тошкент тўқимачилик институтининг кафедра мудири.

20. **Ильина** Татьяна Георгиевна — Тошкент давлат медицина институтининг доценти.

21. **Камолов** Маҳкам Камолович — доцент, Тошкент алоқа электротехника институтининг кафедра мудири.

22. **Кешишев** Григорий Леонович — Ўзбекистон давлат физкультура институтининг кафедра мудири.

23. **Лазунов** Владимир Иванович — доцент, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг кафедра мудири.

24. **Малицкий** Николай Андреевич — доцент, Тошкент Олий партия мактабининг кафедра мудири.

25. **Манулкин** Зельман Менделеевич — профессор, Тошкент фармацевтика институтининг кафедра мудири.

26. **Мардиящ** Зоя Амбарцумовна — Ўзбекистон КП Марказий Комитети фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлимининг инструктори.

27. **Маркман** Александр Львович — профессор, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

28. **Массон** Михаил Евгеньевич — профессор, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг кафедра мудири.

29. **Мирхўжаев** Исмоил Мирхўжаевич — доцент, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

30. **Мишченко** Николай Васильевич — доцент, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

31. **Назруллаев** Фатхулла — Тошкент политехника институтининг доценти.

32. **Ниёзов** Муҳаммад Иброҳимович — доцент, Тошкент политехника институтининг ректори.

33. **Пўлатов** Ғулом — Тошкент тўқимачилик институтининг старший ўқитувчиси.

34. **Радомская** Елена Виссарионовна — Тошкент давлат консерваториясининг доценти.

35. **Раҳимов** Ғофир Раҳимович — профессор, Тошкент политехника институтининг проректори.

36. **Рибаков** Аркадий Андреевич — профессор, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг кафедра мудири.

37. **Саъдуллаева** Адолат Лутфуллаевна — доцент, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

38. **Сандносирова** Зарифа—доцент, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг кафедра мудири.

39. **Смирнов** Борис Григорьевич — В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг доценти.

40. **Сукач** Иван Федорович — профессор, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг кафедра мудири.

41. **Тожиев** Фуат Ҳусаинович—доцент, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

42. **Ульрих** Лидия Николаевна — Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг доценти.

43. **Усмонов** Ҳамдам Усмонович — профессор, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг кафедра мудири.

44. **Хўжаева** Лола Аъзамовна — санъатшунослик фанлари кандидати, А. Н. Островский номли Тошкент театр-бадиий институтининг проректори.

45. **Цукерваник** Исаак Платонович — профессор, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг кафедра мудири.

46. **Чипнова** Вера Андреевна—доцент, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

47. **Йўлдошбоева** Фотима Хўжамбердиевна — доцент, Тошкент чет тиллар давлат педагогика институтининг ректори.

48. **Юн** Дмитрий Николаевич—Тошкент Олий партия мактабининг доценти.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Абдуллаева** Шарифа Мажидовна — доцент, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

2. **Аъзамхўжаев** Анвар — доцент, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг кафедра мудири.

3. **Акбаров** Илёс Акбарович — Тошкент давлат консерваториясининг доценти.

4. **Орифхонова** Муҳаррам — В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг доценти.

5. **Артамонов** Владимир Семенович — доцент, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг факультет декани.

6. **Аҳмедов** Қудратилла Аҳмедович — Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўқитувчиси.

7. **Аҳмедов** Ҳаким Аҳмедович—доцент, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг кафедра мудири.

8. **Батурин** Евгений Константинович — доцент, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг проректори.

9. **Буреш** Милослав Ярославович — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг старший ўқитувчиси.

10. **Биков** Василий Харитонович — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг доценти.

11. **Гентшке** Лев Владимирович — доцент, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг факультет декани.

12. **Далимов** Нуғман Далимович — доцент, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг факультет декани.

13. **Жолдасов** Бегали — Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг старший ўқитувчиси.

14. **Зокиров** Шокир — Ўзбекистон давлат физкультура институтининг кафедра мудири.

15. **Зинкин** Александр Михайлович — доцент, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

16. **Зинченко** Раиса Валентиновна — Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг кафедра мудири.

17. **Ибадуллаев** Саттор Ибадуллаевич — доцент, Тошкент политехника институтининг факультет декани.

18. **Иброҳимов** Ғаффор Абдулажонович — доцент, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг факультет декани.

19. **Каминский** Илья Яковлевич — профессор, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

20. **Қорабоев** Серикжон — Ўзбекистон КП Марказий Комитети фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлимининг инструктори.

21. **Киргизбоев** Абдиқодир — доцент, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

22. **Кожевников** Христофор Моисеевич — А. Н. Островский номли Тошкент театр-бадиий институтининг старший ўқитувчиси.

23. **Краснобаев** Илья Миронович — В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг доценти.

24. **Мавлоний** Эгам Мавлонович — доцент, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

25. **Манелис** Борис Липович — доцент, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг кафедра мудири.

26. **Мартиросянц** Гурген Григорьевич — доцент, Тошкент политехника институтининг проректори.

27. **Модина** Ольга Федоровна—иқтисод фанлари кандидати Тошкент молия-иқтисод институтининг старший ўқитувчиси.

28. **Мошков** Алексей Дмитриевич — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг доценти.

29. **Рогов** Петр Андреевич — доцент, Тошкент тўқимачилик институтининг кафедра мудири.

30. **Рожкова** Мария Сергеевна — Тошкент давлат медицина институтининг профессори.

31. **Салимов** Оқил Умрзоқович — доцент, Тошкент политехника институтининг факультет декани.

32. **Сухарева** Анна Александровна — доцент, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

33. **Терехов** Глеб Николаевич—профессор, Тошкент давлат медицина институтининг кафедра мудири.

34. **Турсунов** Самад Турсунович — доцент, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

35. **Турсунов** Ҳабиб Турсунович — доцент, Тошкент алоқа электротехника институтининг кафедра мудири.

36. **Удовиченко** Борис Антонович — Тошкент политехника институтининг доценти.

37. **Усмонов** Саид—доцент, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

38. **Холматов** Ҳамид Холматович — Тошкент фармацевтика институтининг доценти.

39. **Ханин** Михаил Никифорович — профессор, Тошкент медицина институтининг кафедра мудири.

40. **Шенгер** Юрий Евгеньевич — иқтисод фанлари доктори, Тошкент молия-иқтисод институтининг проректори.

41. **Шчекин** Виктор Андреевич — профессор, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг кафедра мудири.

42. **Йўлдошева** Саломат Назаровна — Тошкент давлат медицина институтининг кафедра мудири.

43. **Юсупов** Эркин — доцент, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Абальянц** Сергей Христофорович — профессор, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

2. **Аъзамхўжаев** Саид Маърупович — доцент, Тошкент медицина институтининг кафедра мудири.

3. **Абрамова** Лея Каганович — Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг доценти.

4. **Акрамхонова** Тожи Ғуломовна — Тошкент давлат медицина институтининг ассистенти.

5. **Барноҳўжаева** Холида Саъдуллаевна — филология фанлари кандидати, Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг кафедра мудири.

6. **Булатова** Асия Аскатовна — Тошкент молия-иқтисод институтининг кабинет мудири.

7. **Безродний** Николай Александрович — доцент, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг факультет декани.

8. **Васькович** Анастасия Дмитриевна — В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг препаратори.

9. **Ваҳобов** Мавлон Ғаффорович — Тошкент Олий партия мактабининг доценти.

10. **Григорьянц** Сергей Варламович — Тошкент политехника институтининг старший ўқитувчиси.

11. **Дмитриев** Вениамин Львович — доцент, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири.

12. **Далимов** Султон Аминович — Тошкент давлат медицина институтининг доценти.

13. **Зокиров** Неъмат Зокирович — доцент, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг кафедра мудири.

14. **Исомуҳамедов** Учқун Алиевич — Тошкент политехника институтининг доценти.

15. **Қодирова** Нафиса Қодировна — биология фанлари кандидати, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

16. **Қаюмов** Лазиз Пўлатович—доцент, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг факультет декани.

17. **Киссен** Илья Альбертович—доцент, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг кафедра мудири.

18. **Коновалова** Людмила Захаровна — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг старший лаборанти.

19. **Красников** Александр Филиппович — Тошкент молия-иқтисод институтининг доценти.

20. **Кунгурцева** Фаина Степановна — доцент, Тошкент тўқимачилик институтининг кафедра мудири.

21. **Левша** Ипполит Петрович—Тошкент политехника институтининг доценти.

22. **Лобач** Хая Самойловна — В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг доценти.

23. **Майборода** Мария Ивановна — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг старший ўқитувчиси.

24. **Мирзаев** Фаттоҳ Мирзаевич — Тошкент политехника институтининг доценти.

25. **Николаева** Людмила Петровна — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг ассистенти.

26. **Осиковская** Надежда Самойловна — Тошкент Олий партия мактабининг ўқитувчиси.

27. **Пўлатова** Тошбиби Пўлатовна — Тошкент фармацевтика институтининг ассистенти.

28. **Пономаренко** Павел Петрович — Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг старший ўқитувчиси.

29. **Ризоқулов** Усмон — Тошкент давлат консерваториясининг профессори.

30. **Самадов** Қодир — доцент, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг ўқитувчиси.

31. **Сафарова** Комила Олимбековна — Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг старший ўқитувчиси.

32. **Султонова** Маъсуда Муҳаммеджоновна — доцент, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг факультет декани.

33. **Турсунов** Неъматилла Турсунович — Тошкент политехника институтининг старший ўқитувчиси.

34. **Умаров** Бадриддин Умарович — Тошкент политехника институтининг доценти.

35. **Чевичалова** Мария Константиновна — Тошкент тўқимачилик институти инструктор тўқувчиси.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Саҳобиддинов Сирож Саҳобиддинович — профессор, Улуғбек номли Фарғона давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Соатов** Соли Соатович — доцент, Улуғбек номли Фарғона давлат педагогика институтининг ректори.

2. **Соколов** Георгий Тимофеевич — доцент, Улуғбек номли Фарғона давлат педагогика институтининг проректори.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Иброҳимов** Акрам Исоқович — доцент, Улуғбек номли Фарғона давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

2. **Фаёзова** Осиё — тарих фанлари кандидати, Улуғбек номли Фарғона давлат педагогика институтининг старший ўқитувчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Жалилова** Ҳукумат Ғаниевна — Улуғбек номли Фарғона давлат педагогика институтининг старший ўқитувчиси.

2. **Каримов** Жамол Худойбердиевич — доцент, Улуғбек номли Фарғона давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Сиддиқов Ҳалил — В. И. Ленин номли Хоразм давлат педагогика институтининг кафедра мудири.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Алиқабаров Мустафо Ҳасанович—В. И. Ленин номли Хоразм давлат педагогика институтининг старший ўқитувчиси.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Камолов Собир — доцент, Қорақалпоғистон педагогика институтининг ректори.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Бердимуродов** Кўчербой — Қорақалпоғистон педагогика институтининг кафедра мудири.

2. **Бўлишев** Умар — доцент, Қорақалпоғистон педагогика институтининг проректори.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Галикеев** Мажид Гадятуллович — Қорақалпоғистон педагогика институтининг кафедра мудири.

2. **Пискунов** Анатолий Титович — Қорақалпоғистон педагогика институтининг старший ўқитувчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Қидирбоева Ўрингул — Қорақалпоғистон педагогика институтининг старший ўқитувчиси.

(ТАСС).

*) Бошқа газетанинг 17 сентябрь сонида босилган.

Суратда: Бухоро шаҳридаги ёғ заводининг старший лаборанти Я. Е. Островская 4-мактабининг 10-синф ўқувчиси С. Халитовага ишлаб чиқариш практикаси вақтида амалий ёрдам кўрсатмоқда.

И. Гильдин фотоси.

ЧОРВА ҚИШЛОВИГА НАМУНАЛИ ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

ВАЪДАГА ВАФО ҚАНИ?

Чорвачилик Термиз районида экономикасида катта салмоққа эга. Район чорвадорлари жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан юксак мажбуриятлар олганлар. Улар етти йилликнинг учинчи йилида 1600 тонна гўшт, 3450 тонна сут, 750 минг дона тухум ва 162 тонна жун етиштириш ҳақида қатъий сўз берганлар.

Аммо, термизлик раҳбарлар йил бошида олинган мажбуриятларни бажариш учун астойдил ишлаш зарурлигини унутиб қўйдилар, улар ўз ваъдаларига вафо қилмаяптилар. Шунинг учун ҳам чорва моллар қўпайиш ўрнига камайиб кетди, моллар зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш эътибордан четда қолмоқда. Пода сигирлар сони жуда кам ва маҳсулдорлиги паст. Пландаги 2.300 сигир ўрнига 2100 сигир бор.

СУТ ҚАЙДАН БЎЛСИН...

1961 йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида сут етиштириш йиллик плани 43 процент, давлатга сут сотиш плани эса 48.5 процент адо этилди, холос. Сут етиштириш юзасидан олинган мажбуриятнинг эса энди тўртдан бир қисми адо этилди. 8 ой мобайнида сигир сигирларнинг ҳар биридан бор-йўғи 400 килограммга етар-етмас сут олинди. Шу йилнинг июль ва август ойларида соғин сигирларнинг ҳар биридан 50-53 килограммдан ёки бир кунда 1,5-1,6 килограммдан сут соғилди.

Хўш, сут етиштириш соҳасида аҳволнинг бу қадар ачинарли бўлишига сабаб нима? Район колхозларида чорва моллар учун мустаҳкам озуқа базаси яратилмаганлиги бунинг асосий сабабидир. Об. ластнинг илғор хўжаликларида беданинг бешинчи ўрими тугалланаётганига қарамай, Термиз райони колхозларида учинчи ўрим ҳали бошланги йўқ. Шу сабабли беданинг ҳар гектаридан олинган ҳосил 40 центнердан, Жданов номли колхозда эса 20 центнердан ошмайди. 107 гектар уруғликка ажратилган беда ўрилган ҳолича, **ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН**

<>

йиғиштириб олинмай ётибди. Натижада уруғларнинг анча қисми ерга тўкилиб нест-нобуд бўлган. 1147 гектар эски бедапоядан 63 гектарини зарпечак босиб, сувсизликдан қуриб кетган. 53 гектар янги беда ўрнига 46 гектар беда экилган, холос.

Маккажўхорига ҳам эътибор берилмади. 1500 гектар ўрнига 1261 гектар ерга маккажўхори экилди. Бунинг устига экинни парвариш қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Жданов номли колхозда 76 гектар ердаги маккажўхори бирор марта ҳам сугорилмади. Ленин номли колхозда 56 гектар ердаги маккажўхори мутлақо ишланмади .

Районда 30.100 тонна дағал хашак ва пичан жамғариш планлаштирилган эди. Бор-йўғи 7.560 тонна хашак ва пичан тайёрланди. Ёки топшириқ 25 процент бажарилди. Чорва моллар учун дағал хашак ва пичан жамғариш топшириғи ўртоқ П. Жўраев раис бўлган Жданов номли колхозда энди 7 процент, ўртоқ А. Мусаев раҳбарлик қилаётган «Октябрь 40 йиллиги» колхозида 14 процент бажарилди.

Район бўйича бостирилган силос сигир бошига 1 тоннадан тўғри келади. Планга асосан 29.000 тонна силос бостирилиши керак эди. Аслида эса ҳозиргача ҳаммаси бўлиб 3170 тонна ёки 11 процент миқдорида силос бостирилди. Шу жумладан, Жданов номли колхоз 1,5 процент, Ленин номли колхоз 8 процент миқдорида силос бостирдилар.

Маълумки, озуқа базасини мустаҳкамламасдан туриб, чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Термиз районида озуқа базаси яратишга муносабат шундай бўлгандан кейин сут қайдан бўлсин!

БЕРСАНГ ОЛАСАН...

Районда чорва молларни бўрдоқига боқиб семиртириш «хўжакўрсин»га ташкил этилган. Бўрдоқига ажратилган корамоллар ҳам, чўчқалар ҳам тўйдириб боқилмайди. Натижада давлатга гўшт учун сотилган молларнинг тирик вазни нормативдан анча кам бўлмоқда.

Планга асосан бу йил 1550 тонна гўшт етиштирилиши лозим эди. Ҳозиргача 545 тонна ёки 52 процент миқдорида гўшт етиштирилди. Давлатга гўшт сотиш топшириғи энди 40 процент адо этилди. Ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан давлатга 180 тонна кам гўшт сотилди. 276 тонна ўрнига энди 23,7 тонна чўчқа гўшти етиштирилди. Ўртоқ Б. Қурбонов раис бўлган Ленин номли колхозда эса, 48 тонна ўрнига 2,6 тонна чўчқа гўшти етиштирилди, холос.

Чўчқа гўшти етиштиришнинг ёмонлигига сабаб шуки, район хўжаликлари ва уларнинг раҳбарлари бу йил чўчқачиликка эътиборни пасайтириб юбордилар. Ўтган йили колхозларда 330 та асосий урғочи чўчқа бор эди, ҳозир 130 бошгина қолди. Планда эса, улар сонини 600 бошга етказиш кўзда тутилган эди. Асосий ва бир марта болалайдиган чўчқалар сони планда белгиланганига нисбатан 74 процентни ташкил этади.

Термизлик раҳбарлар бўрдоқичилик ва чўчқачиликка эътибор бермасдан туриб, гўштни кўпайтириш ҳақида қуруқ сафсата сотадилар. Улар кекса чорвадорларнинг «молга берсанг оласан» деган ҳикматли сўзига амал қилмайдилар.

ҚУРУҚ ГАП ТОШ БОСМАС

Район колхозларида молларни урчитиш йўли билан кўпайтириш юзасидан белгиланган планлар ҳам қуруқ гаплигича қолиб кетмоқда. Масалан, ҳар юз бош сигирдан 90 бош бузоқ олиш ва район бўйича бузоқлар сонини 2800 бошга етказиш лозим эди. Амалда эса ҳар юз сигирдан 26 бошдан бузоқ олинди, холос. Жданов номли ва «Намуна» колхозларида 100 бош сигирдан атиги 23 бошдан бузоқ олинди. Шундай қилиб, Жданов номли колхозда 345 бош ўрнига 94 бош, «Намуна» колхозида 620 бош ўрнига 162 бош бузоқ олинди.

Мана, гўшт ва сут қаерда йўқотилаётганлиги шу рақамларнинг ўзидан кўриниб турибди!

Қишлоқ хўжалик артелларининг кўпчилигида сигирларнинг асосий қисми қиср қолиб кетди. Колхоз раҳбарларининг «сигирларни сунъий усулда урчитдик» деб ёлғон маълумот бериб келишлари ана шундай хунук оқибатга олиб келди.

Шуниигдек, қўйлардан қўзи олиш плани ҳам 81 процент бажарилди. Қўзи олиш топшириғининг бажарилмай қолиши қоракўл қўзиларнинг тери учун сўйилиб кетишига, жун тайёрлаш планининг эса фақат 61 процент бажарилиб қолишига сабаб бўлди.

Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасида Термиз райони колхозларида ташвишли аҳвол юз берган бўлса-да, район ва колхоз раҳбарлари пинагини бузмаётирлар. 1961 йилнинг тамом бўлишига 4 ойдан ҳам оз вақт қолди. Аммо, термизлик раҳбарлар чорва маҳсулотлари етиштириш бўйича ўзлари олган социалистик мажбуриятларни бажариш ҳақида масъулият сезмаяптилар.

Райком секретари ўртоқ Ҳошим Сайдаҳмедов яқинда бўлиб ўтган район партия конференциясида «олинган мажбуриятлар сўзсиз бажарилади» деб айтди. Лекин, у 8 ой давомида атиги 30-40 процент атрофида бажарилган мажбуриятларнинг қолган 4 ойда қандай қилиб 100 процент бажарилиши мумкинлиги ҳақида аниқ фикр айта олмади.

Қуруқ гап ва ваъда бериш билан чорва маҳсулотлари қўпаймайди, албатта. Берилган сўзнинг устидан чиқиш учун тер тўкиб меҳнат қилиш, барча резерв ва имкониятларни тўла ишга солиш шарт. «Ваъдага вафо қилиш марднинг иши» деб бежиз айтилмаган.

Ж. ҲАСАНОВ — «Октябрь 40 йиллиги» колхозидаги «Қизил Ўзбекистон» мухбирлар постининг бошлиғи; агроном Ж. ТУРДИАЛИЕВ — Жданов номли колхозидаги «Қизил Ўзбекистон» мухбирлар постининг бошлиғи, колхоз тафтиш комиссиясининг раиси; А. ХАЛИЛОВ — «Қизил Ўзбекистон» мухбири.

КИНОТЕАТР ЭКРАНЛАРИДА

«БИРИНЧИ СИНОВЛАР»

Машҳур белорусь ёзувчиси Якуб Колас романи асосида яратилган «Биринчи синовлар» кинофильмининг иккинчи серияси шаҳримиз кинотеатрларида намойиш қилинмоқда. Фильмнинг қисқача мазмуни шундай: Ёш ўқитувчи Андрей Лобанович қишлоқда ёшларни тўплаб, самодержавие зулмига қарши норозилик билдириб, ўз ўртоқларини уюштираётганида уни жандармерия қўлга олади. Фильм ана шу кескин вазиятдан бошланади. У бундан бир неча йиллар аввал севган гўзал Ядвися билан учрашади. У ҳали ҳам Андрейни севишини айтади. Бироқ, у назбатдаги учрашишга келмайди. Андрей шаҳар подпольчилари билан алоқа боғлайди. Бу катта революцион ишда Оля унга ёрдамлашади.

Йиллар ўтади. Андрей анча ўсиб вояга етади. Унинг дунёқараши ҳам кундан-кунга юксалади. У дўсти Симонанинг ўлими туфайли ёзилаётган таъзияни эълон қилиш мақсадида Ядвисянинг эри билан учрашади. У яна Ядвися ёнида, бироқ у энди илгариги муҳаббат билан ёнмайди. Авторлар фильмда Ольга образини юксакликка кўтарадилар. Бу революционер қиз Андрей Лобановични камолга етишда, революционер бўлишида бошқалар қатори катта ташаббус кўрсатади. У ҳатто Лобанович билан бирга каторгага ҳам кетади.

Фильм Октябрь революциясигача бўлган даврни ўз ичига олган.

Андрей ролини ижро этган артист Э. Изотов, бу образни муваффақиятли ўйнаган. Ольянинг ролини ҳам Е. Карнилова яхши ижро этган. Киносценарий авторлари А. Кулешов, М. Лужанин ва постановкачи В. Корш-Саблина.

«АЙНА»

Халқ учун ҳизмат қилиш кишн учун катта бахт, Унга озодлик бериб, гўзал ҳаётга бошлаш, лозим бўлганида ҳаётини ҳам бағишлаш олижаноб фазилатдир. «Айна» мана шундай инсонпарварлик руҳи билан суғорилган туркман фильмидир.

Йигирманчи йиллар. Ҳали узоқ қишлоқларимизда босмачилар халқни талаётган бир пайт. Бу ёвуз душманларни йўқотиш асосий масала эди.

Бойнинг асранди қизи, янги ҳаёт сари интилаётган Айнага бойлар, босмачилар қанчалик тўсқинлик қилмасинлар, у ўз орзусига етиш учун интилади.

У комсомол сафига киради, колхоз қурилишига ёрдам беради ва дугоналарини ҳам ўз сафига тортади. Фильм ёш туркман қизининг жасорати, галабаси билан тугайди. Сценарий авторлари Л. Черенцов, режиссерлар А. Карлиев ва В. Иванов.

М. ЮЛДОШЕВА.

БУЛАРНИНГ САНЪАТИНИ СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИ КЎРАДИЛАР

Тошкент тўқимачилик комбинатида КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олиб кетди. Комбинат ёшлари, айниқса бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари бу тарихий кунга қизиқарли ва ажойиб концерт программаси ҳам тайёрламоқдалар. Комбинатнинг юз йигит қизи уюшган ўзбек миллий рақс ансамбли съездга атаб «Тўқимачилар бали» сюитаси тайёрламоқда. Ёш санъаткорларнинг талант ва маҳоратларини давлат комиссияси беҳад юқори баҳолади. Комбинат ҳаваскорлари «Тўқимачилар бали» рақс сюитасини Москвада—КПСС XXII съезди делегатлари олдида намойиш қиладилар. Суратда: эркак ва хотин-қиз ансамбли репетиция вақтида.

И. Глауберзон фотоси.

Пул-буюм лотереясининг ютуқлар тиражи

18 сентябрда Фарғонада Ўзбекистон ССР 1961 йилги учинчи чиқариш пул-буюм лотереясининг ютуқлар тиражи ўтказилди.

Тиражда умумий суммаси 600 минг сўмлик 294 минг ютуқ, шу жумладан 321 минг 400 сўмлик 15 минг 400 та буюм ютуғи ва ҳар бири бир сўмлик 278.600 та пул ютуғи ўйналди.

(ЎзТАГ).

САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

Иқлими иссиқ мамакатларда учрайдиган касалликларга бағишланган халқаро конференция Ўзбекистон жамоатчилигининг эътиборини ўн кун мобайнида ўзига тортиб турди. СССР ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрликлари ҳамда СССР Медицина фанлари академияси томонидан чақирилган бу форумнинг кенг программаси Тошкентда бўлиб ўтган илмий сессияни ҳамда Ўзбекистонда даволаш-профилактика ишларининг ташкил этилиши ва медицина фанининг ютуқлари билан, турли юқумли ва паразитар касалликларга қарши кураш соҳасида республикада тўпланган тажрибалар билан конференциянинг совет ва чет эллик қатнашчиларини атрофлича таништиришни ўз ичига олган эди.

Конференция қатнашчиларининг республика шаҳарлари ва районлари бўйлаб қилган сафари олти кун давом этди. Меҳмонлар Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижонда, кўпгина қишлоқларда медицина кадрлари тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишларининг қўйилишидан тортиб клиникалар, амбулаториялар, врачлик пунктлари, санаторийларнинг ишларига қадар соғлиқни сақлаш соҳасидаги тадбирлар комплекси билан танишдилар. Ана шу сафарлар совет медицинасининг муваффақиятлари ҳақида илмий сессияда қилинган докладлар ва берилган ахборотларга кўргазмали илова бўлди, касалликлар профилактикаси ва уни даволашнинг янги методларини амалда ўрганиб олишда меҳмонларга ёрдам берди.

Республика бўйлаб қилинган сафарлар совет ва чет эл олимлари ва врачлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада кўпроқ мустаҳкамлади.

Конференциянинг чет эллик қатнашчилари Ўзбекистонда бўлиш вақтида олган таассуротларини якунлаб, шуни таъкидладиларки, жаҳон медикларининг Тошкентдаги форуми инсониятни бир қанча касалликлардан ҳалос этиш олижаноб ишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. олимлар ва врачлар барча халқларнинг бахт-саодати ва сиҳат-саломатлигини тилаб, бутун дунёда тинчлик манфаатларини кўзлаб, ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилаётганларини янада кучли суратда намойиш қилди. (ЎзТАГ).

Олам ҳилида гап

СССР, УКРАИНА ССР ВА БЕЛОРУССИЯ ССР ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ НЬЮ-ЙОРККА КЕЛДИЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 16 сентябрь. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бошлиқ Совет Иттифоқи делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XVI сессияси ишларида қатнашиш учун бугун шу ерга келди. Украина ССР ва Белоруссия ССР делегациялари ҳам айни вақтда Нью-Йоркка келди.

А. А. Громико аэродромда матбуот вакилларига қисқача баёнот берди ва уларнинг жуда кўп саволларига жавоб берди. Биз деди А. А. Громико, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бир қанча муҳим масалаларни муҳокама қиладиган бўлажак сессиясига катта аҳамият берамиз.

Ташқи ишлар министри Совет ҳукумати номидан, совет делегацияси бош ассамблеянинг муваффақиятли ишлаши учун бутун кучини сарфлайди, деб билдирди. У айтдики, ҳамма гап совет делегациясига боғлиқ эмас, албатта ва кўп нарса бошқа делегацияларнинг позициясига ва жумладан Қўшма Штатларнинг позициясига боғлиқдир.

А. А. Громико Совет ҳукумати ва делегацияси номидан Америка халқига энг яхши тилаклар изҳор қилди.

СОТҚИНЛАР ОТИШГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ

ИСТАМБУЛ, 15 сентябрь. (ТАСС). Яссиада оролида Туркиянинг собиқ президенти Жалол Баяр, собиқ бош министр Аднан Мендерес ва Мендерес ҳукуматининг аъзолари, шунингдек илгариги демократик партия раҳбар арбобларининг ишини кўрган олий суд бугун эрта билан Ж. Баяр, Аднан Мендересни, миллий мажлиснинг собиқ раиси Кораltанни, собиқ ташқи ишлар министри Фатин Зорлуни, собиқ молия министри Ҳасан Палатканүни ва бошқа бир қанча кишиларни отишга ҳукм қилди.

АНГЛИЯНИНГ ҚИРУВЧИ САМОЛЁТЛАРИ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИГА ЮБОРИЛМОҚДА

ЛОНДОН, 16 сентябрь. (ТАСС). Англия Гарбий Германиядаги ўзининг қуролли кучларини кўпайтиришни давом эттирмоқда. «Дейли геральд» газетасининг бугунги хабарида бундай дейилади: Генерал Норстэднинг илтимосига биноан Англия қирувчи «Лайтнинг» реактив самолётларини 18 сентябрдан бошлаб Гарбий Германияга юборишга киришади.

Газетанинг хабарида айтилишича, «Англияга қайтиб келиши лозим бўлган (Германия Федератив Республикасидаги базада турган. — Редакция) қирувчи «Хантер» самолётларининг 3 эскадрильясига қайтмаслик тўғрисида буйруқ берилди».

Шундай қилиб, дейилади «Дейли геральд» газетаси хабарининг охирида, «Рейн бўйидаги инглиз армиясининг сони яқин фурсатда 55 минг кишига етказилади».

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АҲОЛИСИ ОВОЗ БЕРАЁТИР

БЕРЛИН, 17 сентябрь. ТАСС мухбири В. Селиверстов хабар беради: Бугун Германия Демократик Республикаси давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига сайлов ўтказилаётир. Овоз бериш соат 7 да бошланди. Аммо шу вактдан анча олдин ҳам дастлабки сайловчилар сайлов участкаларини олдига тўпланган эди.

Берлиннинг саноат районида жойлашган 14-сайлов участкаси. Сайлов комиссиясининг аъзолари ўз жойларида ўтиришибдилар. Сайловчиларнинг рўйхатлари, кандидатларнинг номлари ёзилган бюллетенлар столлар устида турибди. Сайлов комиссиясининг раиси Вальтер Меркель район Советига кўрсатилган кандидатлар ҳақида бизга гапириб бермоқда. Булар орасида — собиқ кемасоз, ҳозир эса Германия Бирлашган социалистик партияси район комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаётган В. Витковский, токарь Д. Хун, дурадгор В. Шуман, ўқитувчи Г. Штарк ва бошқалар бор. Комиссия аъзолари келган граждандарни бюллетенларни олишга таклиф қиладилар. В. Меркель биринчи бўлиб келган сайловчи 58 яшар телефончи Л. Мюллерга гулдаста тақдим қилади. унинг дугонаси пенсионер П. Леманнинг кўлини самимият билан қисиб табриклайди.

Биринчи май номидаги ишлаб чиқариш кооперативининг катта хўжалиги жойлашган Вартенберг қишлоғидаги сайлов участкасига келганимизда соат 8 га якинлашиб қолган эди. Эркин немис ёшлари союзининг кўк кўйлакли аъзолари бўлган ёшлардан катта группаси овоз бериш бюллетенларини олди. Булар механизаторлар мактабида ўқиётган ёшлардир. Кишлок хўжалик ишлаб чикариш кооперативининг аъзоларидан кўплари овоз бериб бўлган эди. Кооператив раиси, халк палатасининг депутати Д. Беснер ва сайлов комиссиясининг раиси Г. Лардонг кооператив аъзолари сайлов олдида ўз зиммаларига олган мажбуриятларни муваффақиятли бажарганликларини бизга гапириб беришди.

— Бизнинг деҳқонларимиз, — деди Д. Беснер — ўз ҳукуматининг қилаётган ишларидан жуда мамнундирлар. Улар «Берлин ҳавоси топтоза бўлиб колди», дейишяпти. — Улар сулҳ шартномаси тузиладиган куч якинлашиб колганига аминмиз, демоқдалар. Деҳқонлар Ўрток Хрушчевнинг Германия масаласини тинч йўл билан бартараф қилиш ва Гарбий Берлинни демилитаризация килинган эркин шаҳарга айлантириш тўғрисидаги таклифларини катъий кувватламоқдалар.

Эрталаб соат 9 да Берлиндаги 33- сайлов участкасида Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси В. Ульбрихт овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Г. Эйнигер, сайловнинг дастлабки соатларидек Германия Демократик Республикаси, аҳолиси овоз беришда юксак даражада активлик билан қатнашаётганлигини кўрсатди, деди.

Сайлов, деди Г. Эйнигер, яхши вазиятда ўтмоқда. Бугун республика аҳолиси сулх шартномаси тузишга бўлган ўзининг иродасини, немис халкининг манфаатларини қизғин ҳимоя қилаётган улуғ Совет Иттифоқи билан ўзининг бирдамлиги ва дўстлигини намойиш қилмоқда.

Соат 10 га кадар бутун мамлакатда сайловчиларнинг ярмидан кўпи овоз бериб бўлди.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ САЙЛОВГА ЯКДИЛЛИК БИЛАН ҚАТНАШДИ

БЕРЛИН, 18 сентябрь. (ТАСС). Кеча Германия Демократик Республикасининг Марказий сайлов комиссиясида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, маҳаллий вақт билан соат 17 дан 45 минут ўтганга кадар умуман республикадаги сайловчиларнинг 97,85 процента Германия Демократик Республикасининг маҳаллий ҳокимият органларига сайловда қатнашган.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

БЕРЛИН, 17 сентябрь (ТАСС). АДН агентлиги хабар беради: Германия Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлиги Гарбий Берлиндаги француз қуролли кучларининг қўмондонига мурожаат қилиб, Гарбий Германия бундесверининг 14 сентябрда ҳавода килинган ивогарликда қатнашган ҳарбий хизматчиларини тергов ўтказмок учун Германия Демократик Республикаси ихтиёрига бирмунча вакт бериб туришни илтимос килди. Ташки ишлар министрлигининг ахборотида айтиладики Гарбий Германия бундесверининг иккита ҳарбий самолёти 14 сентябрда Эйзенах районида Германия Демократик Республикасининг осмон чегарасини бузиб ўтиб Гарбий Берлинда Франция оккупациячи маъмурларининг назорати остидаги Тегель аэродромига бориб кўнди.

Бу вокеа, дейилади баёнотда, Германия Демократик Республикасининг осмон чегарасини миллсиз бузишнинг ўзгинасидир ва Бонн давлати ҳукуматининг агрессив, игвогарлик ва масъулиятсизлик сиёсати ўтказаётганлигидан далолат беради.

Бонн реваншчиларининг миллсиз игвогарлиги натижасида вужудга келган аҳволни дейилади баёнотда, шу вокеага тааллукли ҳамма ҳолатларни бирга қўшиб, ҳар томонлама ва батафсил текшириб чиқмок керак. Бундай текширишда ўзининг суверенитети кўпол равишда бузилган давлат, яъни Германия Демократик Республикаси биринчи навбатда тўла ҳукукли бўлиб катнашмоги лозим.

ЧЕГАРАНИ БУЗГАНЛАР УШЛАНДИ

БЕРЛИН, 16 сентябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси ички ишлар министрлигининг матбуот бўлими хабар беради: 15 сентябрь кунининг иккинчи ярмисида Гарбий Берлин томонидан Хафель дарёсида катта тезлик билан келаётган моторли кайик Потсдам якинида давлат чегарасини кесиб ўтиб, Германия Демократик Республикасининг территориясига кириб кетди. Кайикда бўлган гарбий берлинлик пассажирлар, тўхтанглар деб бир неча марта килинган талабни бажармай Германия Демократик Республикаси қавфсизлик органларининг контролидан қочиб кетишга уринди лар. Германия Демократик Республикаси чегара катери чегарани бузганларни ушлаб олди.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДА РАКЕТАЛАР СИНОВИ

БОНН, 17 сентябрь. (ТАСС). Куксхафен якинида Гарбий Германиянинг икки боскичли биринчи тажриба ракетаси учирилди. Ракета 50 километр баландликка кўтарилди. Ракетанинг айрим кисмлари парашютларда ерга тушди. Ракета замонавий ўлчов асбоблари билан ускуналанган эди.

Синовлар вақтида бир боскичли бир неча ракета ҳам учирилди. Бу ракеталардан баъзиларининг ичида жониворлар бор эди.

АҚШДА ЯНА БИР ЯДРО ПОРТЛАТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 17 сентябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, кеча Невада штатидаги атом энергияси комиссиясининг синаш марказида ер остида яна ядро портлатилди.

Пешқадамлар алмашмоқда

Футбол

Москванинг икки командаси — «Спартак» ва «Локомотив» учрашуви пойтахт ишқибозларининг диққат марказида бўлди. Чунки, бу учрашувда галаба қозонган команда тўртинчи ўринга чиқиб олар эди. Ўйинда спартакчилар устун келиб 4:1 ҳисоби билан галаба қозондилар.

1-10- ўринлар учун кураша ётган командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ўйин	Очко
«Динамо» (Киев)	23	35
«Торпедо» (Москва)	23	34
Армия Марказий спорт клуби (Москва)	23	33
«Спартак» (Москва)	23	31
«Динамо» (Тбилиси)	23	28
«Локомотив» (Москва)	22	28
«Спартак» (Ереван)	23	27
«Авангард» (Харьков)	23	26
«Пахтакор» (Тошкент)	22	24
Армия спорт клуби (Ростов)	23	23

Эртага чемпионатнинг навбатдаги тури ўйналади. «Пахтакор» командаси Москва шаҳрида мамлакат чемпиони «Торпедо» футболчилари билан учрашади.

* * *

11 — 22- ўринлар учун кураша ётган командалар навбатдаги мусобақани ўтказдилар: «Гайрат» командаси ўз майдонида вильнюслик спартакчиларни маглубият (1:0)га учратди. Москванинг «Динамо» футболчилари яна бир галабани қўлга киритди. Улар воронежлик «Труд» командасини 2:0 ҳисоби билан ютдилар ва 30 очко тўпладилар. Иккинчи ўринда келаётган Сталинонинг «Шахтёр» футболчилари Кишиневда «Молдова» футболчилари билан учрашди. Хар иккала команданинг уринишига қарамай, ҳисоб 0:0 дигича қолди. Минск шаҳрида «Белорусь» футболчилари ригалик «Даугава» командасидан устун (2:0) келдилар. «Калев» (Таллин) футболчилари ўз майдонларида Ленинграднинг «Адмиралтеец» командаси билан учрашиб 0:2 ҳисоби билан ютказдилар.

Редактор
З. И. ЕСЕНБОЕВ.

Конструктор лабораториясида

БАБАТ ИХТИРОСИ

ЮЧ-мобиль яратиш гояси совет олими Г. И. Бабатга мансубдир. Катта йўллар остига кўмилган кабеллан юқори частотали (ЮЧ) электр қуввати ўтказилиб, электромагнит майдони ҳосил қилинади. Автомобилда эса ёнилги банлари ўрнига электромагнит тўлқинларини қабул қилиб олади. Ундан мачта ўрнатилади. Махсус мослама бу тўлқинларни гилдиран моторларини, ҳаракатга келтирадиган электр қувватига айлантиради.

Бу усул авиацияда ҳам қўлланилмоқда. Электроника соҳасида эришилган муваффақиятлар радиоворотлёт лойиҳасини тайёрлаш имкониятини берди. Ердаги кучли радио станциялари электромагнит тўлқинлари гарамини тарқатади. Вертолётга ўрнатилган приёмник эса бу қувватни иссиқликка айлантиради. Вертолёт парракларининг учига жойлаштирилган реактив «горелка»лар орқали ўтаётган қавони иситади ва юқори тезликда отилиб чиқиб, вертолет паррагини айлантира бошлайди. Бундай машина ҳавода ҳар қанча вақт тура олади.

ЧУНТАК ВЕРТОЛЕТИ

Бу машина учиб бораётганида унинг қанака аппарат эканлигини бир қарашдаёк билиш қийин. Тинч диска одамнинг белига айланиб бошлайди ва уни оҳиста юқорига кўтаради.

Дунёда энг кичкина вертолет ҳаммаси бўлиб уч агрегатдан ташкил топган. Юмалоқ қаттиқ «белбоғ» намлар билан учувчининг кўкрагига боғланади. Бу белбоғда икки парракли ротор ўк атрофида айланганидек ҳаракатга келади. Роторнинг марказий қисмида ёнилги баки жойлаштирилган, парракларнинг учига реактив горелкалар ўрнатилган. Шунингдек, белбоқда учига тахта қоқилган узун ёғоч маҳкамлаб ўрнатилади. У руль хизматини ўтайди.

Бу аппарат ёрдамида 50 километр масофагача учиб бориш мумкин.

ЧЕМОДАНДАГИ САМОЛЁТ

Наҳотки чемоданда? Ҳа, шундай. Енгил автомобилнинг багажникидек чемоданга сигадиган... дамлама самолёт бўлади.

Полимерлар кимёсининг муваффақиятлари кучли босимга бардошли, ҳаво ўтказмайдиган енгил материал яратиш имкониятини берди. Биргина муаммони ечиш зарур эди: бу, материалдан тайёрланган балонга қандай қилиб самолёт тақлидини бериш — қанот, фюзеляж гилдиран формасига киритиш мумкин? Конструкторлар бунинг ажойиб йўлини топишди. Материалнинг ички қатларига маълум ҳажмдаги ингичка иплар қўшиб тикилади. Баллон ҳавога тўла борган сари иплар тортилиб, зарур шаклга кира боради.

Дамланадиган самолётнинг ҳосияти унинг олиб юришга ўнғайлигидагина эмас, бу машинанинг янги ўринли варианти атиги 130 килограммлигидадир. Самолётни «тайёр ҳолат»га келтириш учун фақат 10-15 минут вақт кетади. Баллон одатдаги автомобиль насосида дамланади. Самолётни ҳавога кўтарилиши учун юз метрли учиш йўлаги бўлса — бас. Бундай дамлама самолёт соатига 120 километргача уча олади.

Инженер Д. ПИПКО.
(«Неделя»дан).

ЭЪЛОНЛАР ТОМОШАЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 СЕНТЯБРДА

19.00 — Биласизми (ёшлар учун рус тилида). 19.40 — Ленинград уй қурилиш комбинати (қурилиш фильмлари кинофестивали). 20.00 — СССР умумий тинчлик учун курашда (рус тилида лекция). 20.15 — Телевизион янгиликлар. 20.35 — Бўрилар ва қўйлар фильм-спектаклининг биринчи қисми. 22.05 — Пахта терими илғорлари. 22.20 — Концерт (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фароғат Раҳматова ижросида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—19/IX да Зайнаб ва Омон, 20/IX да Демон.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 19/IX да Ҳамза, 20/IX да Фурқат.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 20/IX да Равшан ва Зулхумор.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Инспектор визити — «ВАТАН», «МИР», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Варшава сиренаси — «МИР» (эрталаб соат 10 ва кундуз 2 да), НАВОИЙ номли (кундуз 1 ярим, кеч 5 ва 6-50 минутда).

Хазиналар ороли — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечкуруи), «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 8 ва 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 1,3 ва кеч 5 да).

Хайф нетган умр — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 10 да).

Иван Рибаков — «ДРУЖБА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкуруи).

Дўстим Колька — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкуруи), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Биримиз — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Волга-Волга — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечкуруи).

Юлдузлар сари биринчи сафар (кундуз ва кечкуруи). Сукунат оламида (кеч соат 9-20 минутда) КИНОЛЕКТОРИЙ.

ЭЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Севаман сени, ҳаёт — ОКТЯБРЬ.

Иван Рибаков—«ВАТАН», «ҲЕВА», «УДАРНИК».

Варшава сиренаси — НАВОИЙ номли, «РАКЕТА».

Инспектор визити—«ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли (кеч соат 8-20 минутда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 10-40 минутда), ПУШКИН номли (кеч 7 ярим ва 9 да).

Биримиз — КАФАНОВ номли (кеч соат 10 да).

Менинг қизим — СТЕПАН РАЗИН номли.

Биринчи синовлар (1 ва 2серия)—ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8 да), «САЛЮТ».

Севгининг қадрига етиш керак — ПУШКИН номли (кеч соат 10-20 минутда).

Юлдуз — «ПОБЕДА», «ШАРҚ».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
ТЕЗ КУНДА
ҚИШКИ МАВСУМ
БОШЛАНАДИ

Н. Жапаковнинг
ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁҚЛАШ
(газетанинг 5/IX сонини қаранг)
бошқа кунга
КУЧИРИЛДИ
Ёқлаш куни қўшимча эълон қилинади.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ
ФЗУ МАКТАБИ
ТЎҚИМАЧИЛИК МАСТЕРЛАРИ ЁРДАМЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

ўзбек ва рус группаларига 7-10 синф ҳажмида маълумотли, 20 ёшдан 26 ёшгача бўлган кишиларни
қабул қилади.

Ўқиш муддати 2 йил.

Қабул қилинганлар стипендия билан таъминланади.

ФЗУ мактабига кирувчилар: паспорт, маълумот ҳақида гувоҳнома, 3х4 сантиметр катталигида учта фотокарточка, ҳарбий билет, кейинги иш жойидан справка тақдим қиладилар ва Тошкент тўқимачилик комбинати ҳузуридаги поликлиникада медицина кўригидан ўтадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар Фрунзе район, Стаханов кўчаси, 46-уй (9, 11-трамвайнинг «Соцгород» остановкаси).

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469 Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780 Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036 Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Р. 01088. Нашр. Б. 220.